

# **НАВОЙЙ ФАЗАЛЛАРИ**

(насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)

“BAYOZ” nashriyoti  
Toshkent-2013

УО·К: 821.512.133(092) Navoiy

КВК 74.200.58+3(5Е)I

N14

### **Нашрга тайёрловчи**

филология фанлари доктори, профессор Б.Тўхлиев

### **Масъул мұҳарир**

филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Хомизов

### **Тақризчилар**

педагогика фанлари доктори, профессор М.Мирқосимова  
филология фанлари номзоди, доцент И.Ёкубов

### **Навоий Ғазаллари**

(насрий баён, шарҳ ва изоҳлар) – Т.: Bayoz, 2014. – 88 б.

ISBN 978-9943-4144-9-5

Мазкур китобда Алишер Навоийнинг “ғароийб ус-сигар” девонидаги айрим ғазалларнинг насрий баёни ва қисқача илмий изоҳлари келтирилган. Уларнинг барчаси соҳа мутахасислари томонидан амалга оширилган.

Рисола Низомий номидаги ТДПУ илмий методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. У умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицеилар, касб-хунар коллекларининг ўқитувчи ва ўқувчиларига, талабаларга, шунингдек, Алишер Навоий ҳёти ва ижодини ўрганиш билан қизиқувчи кент китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китоб ИТД -1-165 “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишининг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” мавзусидаги грант лойиҳалари доирасидан бажарилган.

УО·К: 821.512.133(092) Navoiy  
КВК 74.200.58+3(5Е)I

ISBN 978-9943-4144-9-5

© Тоҳлиев Б., 2013.  
© «Bayoz» nashriyoti, 2013.

## Кириш ўринда

Навоий ғазаллари халқимизнинг кўнглидан муносиб жой олган. Улар яратилган даврларидан бери халқимиз ардоғида. Мутафаккир адибимиз ғазалларининг нашри, тадқиқи ва таҳлилига оид кўплаб илмий ва оммабол мақолалар, рисолалар, китоблар яратилди. Шунга қарамай, уларнинг мазмун ва моҳиятини тўла англаш, ҳис қилиш осон иш эмаслигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Уларнинг ички моҳиятини тўла тушунишнинг мураккаблиги, улардаги сиру синоатларнинг кўп ҳолларда очилмасдан қолаётгани ҳам сир эмас.

Кейинги йилларда мана шу бўшлиқни тўлдириш учун навоийшунос олимларимиз, мумтоз адабиётимизинг билимдонлари анча катта куч ва ғайрат сарфлашмоқда. Буларнинг дастлабки натижалари сифатида “Навоий ва ёшлар тарбияси”, “Маънолар оламига сафар” сингари китоблар юзага келди. Уларда марҳум устоз Нажмиддин Комиловнинг катта ҳажмдаги меҳнатларининг маҳсули бўлган айрим намуналар чоп этилди.

Бу ташаббуснинг давом этаётгани эса кўнгилларни хушнуд қиласди. Қўлингизда китобда устоз Нажмиддин Комиловнинг, шунингдек, Каромат Муллахўжаева, Дилнавоз Юсуповаларнинг “гароийб ус-сигар” девонидаги айрим ғазаллари тадқиқи асосидаги насрий баёнлари ҳамда илмий шарҳ ҳамда изоҳлари жамланган. Улар янги “Навоий ғазалларини ўрганамиз” туркумидаги биринчи китобга жамланган. Китобнинг кейинги қисмлари ҳам нашрга тайёрланмоқда. Уларнинг ҳам Сиз азиз китобхонларга тез орада етказиш умидидамиз.

Ғазал сиралари “гароийб ус-сигар” девонидаги сираларни англатади. Мундарижадаги ном ғазалларнинг биринчи мисрасидан олинган.

Филология фанлари доктори, профессор  
Б.Тўхлиев

## I-Фазал

Ашрақат миң акси шамсил-каъси анворул-худо,  
Ёр аксин майды күр, деб жомдин чиқди садо.

Файр нақшидин күнгүл жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир сингон сафол,  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид – ани ичган гадо.

Жому май гар бўйладур, ул жом учунн қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро хуши аҳли расво бўлғали, эй мутбача,  
Жоми май тутсанг, мени девонадан қил ибтидо.

Токи ул майдин күнгүл жомида бўлғач жилвагар  
Чеҳрай мақсуди маҳв ўлғой ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай мұяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин леган бир исм ила қилгай адо.

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафий этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ташналаб ўлма, Навоий, чун, азал соқийсидин  
“Ишрабу, ё айюҳал атшон” келур ҳар дам нидо.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

**ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо** – худо косасининг аксидан ҳидоят (йўл қўрсатувчи, раҳнамолик қилувчи) нурлари порлаб чиқди.

**ёр** – дўст, севгили. Аммо бу ерда Худованд маъносига келтирилган.

**акс** – илоҳий нурнинг тажаллиси, жилоланиб, порлаб кўриниши.

**май** – ичимлик. Орифона маънода илоҳий тажал-лийдан сархушлик, муҳаббат завқининг тўлиб-тошиши.

**жом** – май ичиладиган идиш, коса. Бу ерда 1) ориф инсон қалби ва 2) илоҳий тажаллий акс этган моддий дунё, борлиқ маъноларида келган.

**ғайр** – Алоҳдан бошқа нарсалар, яъни дунё. Ғайр нақши – дунё ташвишлари.

**соқий** – 1) яқин дўст; 2) маъшуқа; 3) пири комил; 4) парвардигор. Бу байтда пири комил маъносига келтирилган.

**майи ваҳдат** – бирлик, ягоналик майи. Орифона маънода Худо дийдорига ошиқ инсоннинг қалбida илоҳий нур порлаб, унинг руҳининг Мутлақ руҳ билан қўшилиши ва шу туфайли олий маънавий лаззат топиши. Айни пайтда илоҳийлик ва моддийликнинг

бирлашуви, жамулжам бўлишини ҳам анлатади.

**масаллик** – каби, ўхшаган, бамисоли.

**гамзудо** – гамни, дунё ташвишини кетқизадиган.

**зарф** – идиш.

**синған соғол** – сопол коса парчаси, қўчма маънода синик кўнгил, хоккорлик.

**гетинамо** – оламни кўрсатувчи.

**жамшид** – қадимги эрон подшоларидан.

**нисор** – бағишлаш. тухфа қилиш.

**дайр** – зардушлийлар ибодатхонаси, бутхона, насроний роҳиблар йигиладиган жой, шунингдек, дунё маъноларида ишлатилади. Тасаввуфда ориф инсонлар мажлиси, пири комил ҳузури. Чунончи, дайр пири шу маънодадир.

**муғбача** – зардуштий оташпаратлар ибодатхонаси (дайр)нинг хизматкори. Тасаввуфий маънода пирнинг сўзи ва насиҳатлари. файзу тароватини муридларга етказувчи киши.

**девона** – илоҳий жазба теккан ошиқ инсон.

**ибтидо** – бошлиш, аввал, бошланадиган жой.

**чехраи мақсад** – мақсад юзи. Аллоҳ нурининг порлаб намоён

бўлиши, илохий ҳақиқатнинг аёнлашуви.

**маҳв бўлмоқ** – йўқолиш, кўринмай қолиш, эриб, қоришиб кетиш.

**маодо** – Аллоҳдан ўзга нарсалар, яъни моддий дунё.

**ваҳдат** – бирлашиш.

**лафз** – сўз, ибора.

**нафй** – танқид, инкор.

**майхона** – комил инсон

мажлиси, орифлар сұхбат қиласиган жой.

**зоҳид** – умрини тақво ва тоат билан ўтказадиган парҳезкор одам.

**азал соқийси** – Аллоҳ таоло.

**“ишрабу ё айюҳал-атшон”** – ичингиз, эй ташналар (Куръон. Бақара сураси, 60-оят)

**нидо** – овоз, садо.

## Насрий баён

Эрталаб чиққан қуёш косаспининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди ва Худонинг жамолини унинг тажаллисида кўр, деб оламдан садо чиқди.

Эй соқий, агар Худодан ўзга ташвишлар, моддий дунёғаму андуҳи кўнгил ойнасини кир қилган бўлса, бу кир – зангни фақат илохий тажаллий нури, шу нур завқи билан ювиш мумкин.

Бу нур, бу май шундай ажойибки, унга бир синган сопол коса бўлаги – фақир киши кўнгли ҳам идиш бўлиши мумкин, ўшанда жом – бутун оламни кўрсатадиган бўлади ва бу жомдан май ичган, яъни тажаллий нуридан баҳра топган одам, гадо бўлса-да, ўзини подшодаи ҳис этади.

Агар жом билан май шунаقا бўлса, бу жом учун юз жаҳонни бағишласа, бу май учун минг жонни фидо қиласа арзиди.

Эй пир сўзини келтирувчи, пир мажлисида хушёрлар ҳушини йўқотиб, бехуду расво бўлиш учун йигилган экан, агар пир муждаси, сўзини етказмоқчи бўлсанг, буни мен девонадин бошлагин.

Шунда бу илохий нур – майдан кўнгил жоми ёришиб кетиб, чеҳрай мақсад – Аллоҳ жамоли намоён бўлади ва ўша заҳоти Аллоҳдин бошқа нарсалар йўқолади.

Шундай ҳолатда май билан жом, яъни илоҳий тажалли билан дунё ёки кўнгил орасида бир яқинлик, бирлашиш юз берадики, “жом” ва “май” сўзларини талафғуз қилган одам ҳар иккисини бир ном (сўз) билан ифодалashi мумкин.

Эй зоҳил, сен ўйлаётган жому майни айтаётганим йўқ, чунки бу сен назарда тутган жому май эмас, билмасдан дарвешларни маломат қилма.

Эй Навоий, азалий зот -- Парвардигори олам тажаллиси нуридан бебаҳра бўлма, чунки Унинг ўзи ўз каломида “Ичинг, эй ташналар!” деб қўйибди.

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг тўрт девондан иборат “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) номли лирик шеърлар тўплами ушбу ғазал билан бошланади. Анъянага мувофиқ ғазал матлаи (биринчи байти)нинг биринчи мисраси араб тилида битилган. Худди шу арабча жумла мазмуни кейинги байтларда давом эттирилали ва шоир назарда тутган маънолар бирин-кетин равшанлашиб, турли ташбеҳ-тимсоллар, истилоҳлар билан ўқувчига етказилади.

Бугина эмас, ушбу ғазал ўзидан кейин келадиган ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга. Яъни унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган. Шу маънода мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларида бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга калит топади ва шоир идеаллари оламига кириб боради.

Ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни анлаган инсон завқу шавқи, қалб сурори ифодаланган. Ҳудудсиз бу олам Яккаю ягона Аллоҳнинг тажаллий нури билан барҳаёт, мунаввар ва жозибали. Шукур, шу қудрат барча жисмларни бир-бiri билан вобаста этади, улуғ мунтазамликда сақлайли, барқарор ва пойдор этади. Ушбу нурнинг Қўёш кўринишида бекиёс неъмат бўлиб, ҳар сахар порлаши, барча

жонзотлар, жумладан, Инсон қалбини шодликка лиммолим этиши аён ҳақиқат. Аммо Қуёш ҳам бир тимсол, бир ташбех, холос. Илоҳий ҳақиқат, тажаллий бундан-да улкан, у жами борлиқни, жумладан, күёшни ҳам қамраб олади. Бу Ҳақиқат ва беинтиҳо Қудратни ориф инсон, пири комил англаб етади. Буни англаган ориф, вали зотлар ҳам қалблари порлаб, шу маърифат нурини бошқа талабгорларга етказадилар. Ёкакси билан ошно этадилар.

Дикқат қилсангиз, газалда жом ва май истилоҳлари бошидан охиритача бир-бири билан боғлиқ, аммо хилманил талқинларда давом этган. Жом моддий дунё ва май эса Ёрнинг тажаллисини акс эттирувчи ва унга боғланган кўнгил ишқи тутёнини англатувчи тимсоллар экан, бунда уч маъно бир-бири билан боғлиқ ҳолда зухур этади: 1) илоҳий нур жилоси; 2) дунё; 3) инсон қалби.

Инсон агар фақат дунё ташвишлари (занги) билан боғланса, у Илоҳий нурдан бебаҳра қолади. Ҳолбуки, инсоннинг олий мақсади – ўз Аслиятини идрок этиш ва Унга қайтишдир. Шу боис у кўнгил кирларини ювиб, уни Аллоҳ нури акс эттан жомга айлантириши лозим, чунки ана шу даражага етган одам дунёнинг ўзи Аллоҳ жамоли акс этган мазҳар ва жом эканини англаб етади. Шунда инсон ўзини қудратли, мукаммал ҳис этади ва фақир, хоксор бўлса ҳам бу муҳаббат оташида пишиб, подшо Жамшиддан кучлироқ сезади. Бунда қўйидаги ривоятга ишора ҳам бор: дейдиларки, шоҳ Жамшид майни ихтиро қилгандан кейин, донишмандлар кўмагида шундай бир жом ясатган эканки, агар унга май тўлдирсалар, бутун олам ва унинг воқеаҳодисалари акс этар экан. Жамшид, бутун оламни шу жомда кўриб турад экан. (Искандар ясаттирган кўзгу ҳам шундай хусусиятга эга бўлган дейишади).

Алишер Навоий шу ривоятларга ишора қилиб, биринчидан, ориф инсон қалби ҳам оламни ва илоҳий тажаллийни кўрсатадиган кўзгудир, чунки у Ишқ, илоҳий сирлар, ҳикматларга тўла деган гояни ифодаласа, иккинчидан, дарвешнинг синиқ кўнгли (“сингон сафол”) Жамшид каби

шоҳлар қалаҳыдан ҳам эътиборлироқ, қимматлироқ бўлиб, айни шу “синиқ кўнгиллар” Илоҳ нурини акс эттириб, дунёни қўрсата олади, деган фикрни билдиради.

Ана шу “синиқ кўнгиллар” садоқати, муҳаббати уларни пири комилларга яқинлаштиради ва улар тажаллиёт майини биринчи бўлиб ичадилар. Ҳол мартабасига кўтариладилар ва бундай вақтда улар учун жом ва май, яъни дунё ва илоҳ қўшилиб кетади. Парвардигор қудрати, жамолини бутун моҳияти билан ҳис этиб, сархуш бўладилар.

Навоий бу ўринда Илоҳий тажаллий билан моддий олам инсонда бирлашган деган ваҳдат ул вужуд таълимоти гоясини олға суради: май билан жом орасида шундай бир Ягоналик ҳосил бўладики, қайси дунё, қайси илоҳ эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолади.

Шундан кейин шоир дарвешлар тилга оладиган “май”, “майхона” сўзларини тушунмай, уларни мазаммат этадиган зоҳирбин, маънолар сирридан бехабар зоҳилни танқид қиласди ва Қуръон оятига ишора этади. Бу оятда Мусо пайғамбар ўз қавмини Мисрдан олиб чиқиб кетаётгандা, қавм Мусога чанқоқлиқдан нолиб мурожаат қиласдилар. Шунда Мусога “Ҳассанғизни қояга уринг” деган ваҳий келади. Парвардигорнинг бу мужласини эшитган Мусо ҳассасини қояга урганда, булоқ пайдо бўлиб, шарқираб сув оқади...

Яъни Азлоҳ қудратининг чек-чегараси йўқ, олам Унинг нури билан тўлиқ экан, буни англаш, бунга етишиш ва моддий ҳаёт билан маънавий ҳаётни файзли, мазмунли қилишга интилиш лозим, деган гоя Навоий ғазалини мағзини ташкил этади. Шоир айни шу фикрни қатор асарларида ифодалаб, ҳаёт маъноси, инсонийлик маъносини руҳий юксалиш билан боғлаб талқин этади. Кейинги ғазаллар шарҳи бунга мисолдир.

Н.Комилов

## 2-тазал

Зиҳи ҳуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо.  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавғо.

Сени топмоқ басе мушкилдуур, топмаслиғ осонким,  
Эрур пайдолигинг пинҳон, vale пинҳонлигинг пайдо.

Чаман оташгаҳига оташин гүлдин чу ўт солдинг,  
Самандарлек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишга бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.

Кўёшга таҳ қўзармоқ, тоҳ сарғармоқ эрур андин,  
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин кўз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомик,  
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро.

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин, бас, лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,  
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни  
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзуво қилдинг, яна бир ҳам  
Далил ушбуки “қониъ” ҳарфидин ҳалқ айладинг “Анқо”.

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,  
Тикан жаннат гули васфин қылурда гунт эрур гўё.

V - - - V - - - V - - - V - - -  
мағоийлун мағоийлун мағоийлун мағоийлун  
хазажи мусаммани солим

## Лугат

- зихий** — офарин, қойил, ажайиб.
- зүхүр** — күрінмоқ, намоён бұлмоқ, ошкоро бұлмоқ.
- савдо** — ҳою ҳавас, девоналиқ, ташвиш, орзулар, хаёллар, уриниш-интилишлар
- кавнайи** — икки дунё
- бозор** — күчма маңнода: ташвиш-талашишлар, мұомалата муносабат, дунёвий ҳаёт
- пинхон** — яширин, күрінмас.
- пайдо** — равшан, очиқ, күриналиған
- оташгоҳ** — олов құраси, ўчов, оловли жой. “Чаман оташгоҳы” — гулзор, очилған қизил гүллар.
- Самандар** — афсонага күра оловда туғилиб, олов ичидә яшайдылған жонивор.
- шайдо** — ошиқ, ошуфта, мастиу девона
- сунъ** — санъаткорлик, яратищ, ижод қилиш
- узор** — юз, чехра
- музмар** — яширин, беркитиляган. нарсанинг замирида яшириңгандык
- хоро** — қатиқ, тарашланмаган тош
- партав** — нур, шуъла, чақин, сафо
- гулситон** — гулистон
- Халилосо** — Халил каби. Халил — Ибраһим пайғамбарнинг лақаби, худонинг дүсті дегани. Қуръонда көлтирилишича, у подшо Намруд томонидан гулханга ташланған, аммо ёнмаган.
- малоҳат** — мұлойимлик, жозибадорлық, дилкашлық
- сағвқад** — тик ва гүзәл қомат
- инзиво** — узлат, гүшанишинлик, одамлардан ўзини четга олиш
- қонеъ** — қаноатли одам
- Анқо** — Афсонавий қүш, топилмас, күрінмас қүш, Симурғ
- алиф** — араб ёзувининг бириңчи ҳарфи. Тикка бўлғанлиги учун гүзәл қоматлар ўнга ўхшатиляган

## **Насрий баён**

Эй Тангрим, ажойибки, Сенинг ҳуснингнинг намоён бўлиши — порлашидан ҳар кимда бир талпиниш ҳосил бўлибди. Бу ташвиш, орзу-ҳаваслардан икки дунёда юз хил ғавғолар юз бериди.

Сени топмоқ жуда қийин, балки топмаслик осонроқ, чунки кўринишинг яширин, аммо яшириңганинг кўринишингдир.

Гулзорлар, боғларга оловранг гуллардан ўт-аланга солдинг, Ошиқи шайдо булбул бу гулзор — оловга ўзини самандардек отиб, кулга айланди.

Агар Лайлининг юзи кўзгусида аксинг кўринмаса эди, Мажнун бунча беором бўлмаган бўларди.

Кўёшнинг баъзан қизариши (шафак), гоҳида сарғайиши (қундузи) Сендандир, зеро, санъатинг боғида юз минг раъно туллар сифати мавжуд.

Узро юзининг гули яшнаб очилмаганда Вомиқ булбул каби бунчалик ишқ ўтида ёниб куйламаган бўларди.

Сўзингни Ширин лабида яширмаганингда, Фарҳоднинг қонли ёшидан қаттиқ тош лаътига айланармиди?

Сенинг жамолинг порлашидан агар шамънинг шуъласи гулистондай бўлиб кўринмаганида, парвона Иброҳим пайтамбардай ўзини оловга ташлармиди?

Сарвқомат гўзал инсонлар қоматини дилкаш, жозибали қилиб яратдинг, яъни гўё ул алифни чиройли қилиб безатдинг.

Қаноатнинг далилини узлат деб белгиладинг, яна шуки “қонеъ” сўзидан “Анқо” сўзини келтириб чиқардинг.

Навоий қайси тил билан Сени мақтасин, ахир тикан жаннат гулининг васфин қилишда соқовдир.

## Шарҳ ва изоҳлар

Бу газал девондаги биринчи газалнинг бевосита мантиқий давомидир. Биринчи газалда ифодаланган моддийлик ва илоҳийликнинг бирлиги (ваҳдати) ҳақидаги фикр иккинчи газалда, айтиш мумкинки, мисоллар билан тушунтирилган. Яъни Аллоҳ тажаллиси борлиқни қамраб олгани, ҳаракатга келтириб туриши, жумладан, инсон зоти, уни ўраб олган муҳит, ҳаётнинг балқиб, яшнаб туриши, товланишлар, интилиши ва талпинишлар, яратиш ва бузилишлар, муҳаббатнинг узилмас торлари-ю, азоб-нациидаси – ҳаммаси шу Тажаллиёт зухуридан эканлиги тасвирланади. Аммо буни ҳамма ҳам идрок этмайди, ваҳдат ул-вужуднинг бу сиррини англаған одам, ҳаёт маъноси, инсонийлик маъносини чуқурроқ англаб етади, дейди шоир.

Аллоҳ зотини ҳеч кўра олган эмас, лекин унинг сифатлари, нури бутун борлиқда мавжуд. Шу боиским, булбул гулга талпинади, гулзор ҳусну жамоли уни мағтиун этади, у ўт ичида пайдо бўлган самандардай, ўзини гулзор олови ичига отади. Ҳудди шу каби парвона ҳам айни шу илоҳий қудрат туфайли шамъ шуъласига талпинади ва оловга қўшилиб ёнади. Шу қудрат, шу куч Вомиқни Узрга, Мажнунни Лайлига, Фарҳодни Ширинга ошиқ қилиб қўйган. Чунки Узро, Лайли, Ширин жамоли – ҳар бири бир мазҳар. Яъни тажаллиёт нури акс этган нуқта, марказ. Вомиқ, Мажнун, Ширин бу нуқталарда Илоҳнинг нурини кўриб, унга бехуд ва бекарор бўлиб талпинадилар, шу мазҳарга етишиш билан Аллоҳнинг ўзига ошиқликларини исботлайдилар, яъни сифатдан Зотга қараб борадилар. Лекин бунга покланиш ва қаноат йўли олиб боради, дейди Навоий. Зеро, қаноатнинг далили парҳез, сабру тоқатдир. Бунда сўз ўйини ҳам бор, яъни араб ёзувидаги “қаноат”, “қонеъ”, “анқо” сўзларининг ўзаги бир:

Бундан ташқари, “қонеъ” – тўйинган, рози деган маъноларни англатса, “Анқо” – ҳеч қачон кўзга кўринмайдиган, аммо бор бўлган афсонавий қуш номи. Ана шундай рамзларни яратган ҳам Худонинг ўзи, дейди Навоий.

Н.Комилов

### 3-газал

Эй сафхайи рухсоринг азал хаттидин ишо,  
Дебочайи ҳуснунгда абад нүқтаси түгрө.

Заррот аро ҳар зарраки бор. зикрингга зокир,  
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдинга түё.

Машшотайи сунъунгдуур үлким, нафас ичра  
Күн күзгусин ақшом қулидин қылди мужалло.

Күн шакли юзунг саждасидин бўлди мушаккал,  
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбид.  
Ким меҳр ўтин оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки қуяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,  
Анжумдин ўлур обилалар гирдила пайдо.

Мұхтоҗ Сенинг даргаҳинга ҳусраву дарвеш,  
Парварда Сенинг неъматинга жоҳилу доно.

Гул юзида булбул сенинг асроринга нотиқ,  
Шамъ ўтида парвона Сенинг ҳуснунгга шайдо.

Ушшоқ аро, ё Рабки, Навоийға мақоме,  
Бергилки, Сенинг ҳамдинга бўлсун тили гүё.

-- V V -- V V -- V V --  
мафъулу мафойилу мафойилу фаълун  
хазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

## Лұғат

<b>сағұа</b> — сақиға	<b>мушакқал</b> — шаклға кирған, шакланған
<b>рухсор</b> — юз	<b>турра</b> — зулф, соч
<b>азал</b> — бошланиши йүқ замон, азалий, ибтидосиз қадимийлик	<b>мутарро</b> — тароватли, тоза
<b>дебоча</b> — кириш, муқаддима, бошланиш	<b>субҳ</b> — тонг
<b>абад</b> — чексизлик, чексиз давомийлик, туганмас замон	<b>мушаъбид</b> — найранғбоз
<b>ушшоқ</b> — ошиқдар	<b>ифшо</b> — фош қилмоқ, ешкора этмоқ
<b>заррот</b> — зарралар	<b>хирқат</b> — алана, ҳарорат, иссиқлик
<b>зикр</b> — номини тилга олиш, эслаш, зокир — Аллоҳ исемини тилга олиб юргувчи одам	<b>анжум</b> — юлдузлар
<b>амтор</b> — ёмғир томчилари, ёғин	<b>обилалар</b> — қавариқлақр, пұфакчалар
<b>ҳамд</b> — мақтөв	<b>гирд</b> — атроф, айдана
<b>машишота</b> — пардоғчи, юзни, сочни безайдиган одам	<b>парварда</b> — тарбияланған, парвариш қилинганды
<b>мужалло</b> — сайқал берилған, жилоланған	<b>асрор</b> — сирлар
	<b>туғро</b> — подшоқ
	фармонининг ифода белгиси, шоҳона унвен

## Насрий баён

Сенинг юзинг сақиғасида азалийлик хати битилған, хуснинг китоби аввалида абадийлик мухри — унвони мавжуд.

Борлықдаги жами зарралар исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар қатраси ҳамдингни айтади.

Сенинг құдрату санъатинг безакчиси бир нафасда кундузнинг күзгусини түн кули билан тозалаб жило берди (Бунда занглаган күзгүни күл билан тозалаш назарда тутилмоқда)

Күштің шакли Сенга сажда қилиш ҳолатидан ҳосил бўлган. Туннинг сочи қаҳринг шамолидан тозаланди.

Санъатинг тонгні шундай ҳийлагар қилибдирики, у қуёш тафтини ҳар дамда оғзидан намоён қилиб туради.

Ул олов ҳароратидан гүё оғзи куйгандай атрофида

юлдузлардан сув пуфакчалари – қавариқлар пайдо бўлади.

Сенинг ҳузуринга подшо ҳам, гадо ҳам муҳтож бўлиб, интилади. Нодон ҳам, доно ҳам Сенинг неъматинг билан парвариш топади.

Гул юзига шайдо булбул Сенинг сиррингни сўзлайди, парвона ҳам шамъ шуъласига Сени деб талпинади.

Ё Раббим. Навоийга шундай мақом бергилки, Сенинг мақтовингга тили гўё бўлсин.


## Шарҳ ва изоҳлар

Бу ҳам Навоийнинг ҳамд газалларидан. Бироқ ҳамд газаллар ичида муножот оҳангига йўғрилган ва Қуръон оятлари мазмуни ўзига хос тамсил ва ташбеҳларда бўртиб ифодаланганлари ҳам бор. Келтирилган газал шундай хусусиятга эга. Чунончи, матлаъда, Аллоҳ таолонинг замон ва макондан ташқари, балки замон ва маконни қамраб олувчи. уни яратувчи азалий ва абадий Зот эканлиги, бу Зотнинг хусну жамоли, қудрати ва яратувчилиги (сонеъ – сунъ эгаси эканлиги) таъкидланади. Шундан кейин бутун олам Аллоҳга зикр айтиши, шукроналар қилиши, кеча ва кундуз, тонг ва шом, оламу одам унга тобеълиги тараннум этилади. Улуг шоир Худо қудратини тоза, қалбга таъсир этадиган ташбеҳ – тамсиллар воситасида таъриф этади. Чунончи, машшота (юзни пардозловчи) санъаткорлиги кундуз кўзгусини кечада билан тозалаб, жилолантириди, дейиш билан кечада (тун)ни кундузсиз, кунни тунсиз тасаввур қилиш қийин, зеро, Парвардигор ўзаро зидликни бирбирига боғлиқ қилиб яратган. Бу – илоҳий ҳикмат: тунсиз кун, кундузсиз тун чиройли эмас ва бутун бўлмайди. Кундуз (куёшнинг) мунаvvар шаклини Ҳудонинг меҳрига, тунни Унинг қаҳрига ўхшатганда ҳам, шу ҳикмат назарда тутилган.

Тонгда икки хил хислат бор: биринчидан, у күёшнинг чиқиши, кундузнинг бошланишидан дарак берса, иккинчидан, тонг алдамчи ҳамдир, яъни баъзан кун ёришгандай бўлиб туюлса-да, аслида ҳали тун тугамаган

бўлади. Буни “ёлғон тонг” ҳам леганлар: “субҳи козиб”, “субҳи содиқ” (ёлғон тонг, чин тонг). Навоий шунга ишора қилиб тонгни найрангбоз деб айтади ва тонгни ҳар лаҳзада оғзидан олов чиқариб, одамларни алдайдиган ва айни пайтда ҳайратлантирадиган масҳарабозга ўхшатади. Яъни тонг ҳар лаҳзада Қуёш чиқишидан нишона бериб туради, демоқчи. Аммо ташбеҳ бағоят гўзал ва тоза. Навбатдаги байтда ушбу ташбеҳ яна давом эттирилган: тонгнинг отишидан олдин юлдузлар осмонда ёрқинроқ қўринади, бу гўё ўт ҳароратидан масҳарабознинг оғзи куйиб, лаблари гардишида қабариқлар пайдо бўлган кабидир. Кейинги уч байтда Тантри таолонинг ризқ берувчилик, одиллик сиффатлари таърифланади ва бутун мавжудот Ундан баҳра олиб, Унга интилиши айтилади.

Н. Комилов



У-4652/2

## 8-ғазал

Ҳар гадоким, бүрёйи фақр әрур кисват анга,  
Салтанат зарбағтилин ҳожат әмас хилъят анга.

Ким фано туфрогига ётиб құяр тош узра бош.  
Тахт уза әрмас мұзақхаб мұттако ҳожат анга.

Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар,  
Ҳам ўзунг инсоф берғилким, бу не нисбат анга.

Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур.  
Құр не ҳимматдур мунга, не навъ әрур ҳолат анга.

Фақр қўйи туфрогин шаҳ мұлкига бермас фақир,  
Мул қўрким тент әмас туфрог ила қиймат анга.

Шаҳ сипаҳ чекса, фақир аҳволига етмас футур.  
Бу vale чеккач нафас, барбол ўлур ҳашмат анга.

Шаҳ әмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин.  
Эй хушо дарвешким, мардуд әрур жаннат анга.

Шаҳға сидқ аҳли дамидин машъали давлат ёрур,  
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъят анга.

Шоҳға шаҳлар мусалламдур, агар бўлғай мудом,  
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин әрмас шаҳлар ичра буйла ниятлиғ магар  
Шоҳ Ғозийким, мұяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешлию, дарвешлар шоҳики бор  
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

То шаҳу дарвеш бўлғай айлагил, ёраб, аён,  
Шоҳдин хидмат бунга, дарвешдин ҳиммат анга.

Гар Навоий сўз фақрдин эрмас деманг,  
Бўлмагунча фикр шаҳдин қайда бу журъат анга.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Луғат

**гадо** — гадой, тиламчи

таяниладиган нарса, мададкор.

**бўрё** — бўйра, бордон.

**мардуд** — ҳайдалган,

**фақр** — 1. камбагаллик,  
йўқсиллик; 2. Дунёдан кечиши.

қувилган, рад этилган,  
номақбул.

**кисват** — кийим, уст-бош.

**ҳашмат** — улуглик, лабдама,  
буюк эътибор, хурмат.

**зарбафт** — зардан тўқилган  
мато (кийимлик); зарбоф,  
зарварақ, кимхоб.

**мехр** — 1. Қўёш, офтоб; 2.  
севги, муҳаббат, ишқ.

**хильъат** — 1. Ҳашаматли  
кийим; 2. Сарпо, умуман  
кийим.

**субҳ** — тонг пайти.

**музаҳҳаб** — зарҳал қилинган,  
тила суви берилган.

**анфос** — нафаслар, дамлар.

**муттако** — суюнчик,

**мусаллам** — инкор ёки  
қаршилик қилинмай

маъқулланган; таслим  
бўлиш, топширилиш.

## Насрий баён

“Фақирлик бўриёсини ўзига тўшак қилиб олган гадо учун  
салтанатнинг зардан тикилган шоҳона либосига эҳтиёж йуқ;  
фано (йўқлик) тупроғи узра ётиб, тошни ёстиқ қилиб олган  
одамга олтин суви юргизилган тахт устига суюниб ўтириши  
керак эмас. Шоҳ қўшини билан юриш қилиб, олами  
эгалласа, дарвеш оламдан қочади, яъни дунё молидан безор  
бўлиб, узлатга чекинали. Энди ўзинг инсоф юзасидан айт:  
уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?! Нимаики шоҳнинг  
мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради;

дарвешнинг ҳимматини кўргину шоҳнинг аҳволига боқ! Фақир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ ҳазинасига алиштирмайди; ахир кўяпсанку уларнинг мулки тенг эмас – шоҳнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар. Агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳиолига путур етмаёди, лекин гадо оҳ урса шоҳнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади. Шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшолмайди; аммо дарвешга оғарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ! Шоҳлар давлатининг чироги ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган қуёш кабидир. Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш нияти бўлса, шоҳлик унга муносаб ва ба барқарордир. Бунда ёй ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Ғозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган. У шоҳларнинг дарвеши-ю дарвешларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешдир. Эй Тантрим, токи шоҳу дарвеш бэр экан, шоҳдан дарвешга ҳизмат ва дарвешдан шоҳга ҳимматни аён айлагин. Агар Навоий факр ҳақида сўзни чўзган бўлса, бу шоҳнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди”.

### Шарҳ ва изоҳлар

Бу газал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидағи яхлит бир баённома – дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари – Садийй, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва, ҳатто, ўзининг форени газалида ифодалаган гояларига қараганда кескинроқ, қиёслари дадил ва журъатли. Ўзбек шоириининг дарвешта рағбат-майли, бугина эмас, эътқод-ситиниш, шундайгина кўриниб турибди.

## 9-газал

Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга,  
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга.

Ўқларингдин дамбадам таскин топар кўнглум ўти,  
Бордуур бир қатра су, гўёки ҳар пайкон анга.

Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида  
Оҳи новак, тоза дөғедур қизил қалқон анга.

Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,  
Ёки кўнглумдин чу паррон ўғди, юқмиш қон анга.

Номайи шавқум не навъ ул ойға еткой, чунки мен  
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга.

Хизрий хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоги,  
Лаб-балаб чунки су берур чашмайи ҳайвон анга.

Эй хушо, муг кўйиким, рифъат била зийнатда бор,  
Мехр анга бир шамсаву кўк тоқидур айвон анга.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин  
Багри қотмиш ғунчанинг, баским эрур хандон анга.

Қылмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,  
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анга.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

**париваш** — парига ўхшаш, пари каби гўзал, тасаввуфий маъниода парда ичидаги хаёлий маҳбуб

**саргардон** — йўлини йўқотган, ҳайрон, боши айланган

**пайкон** — камон ўқининг металдан қилинган ўткир учি

**диловар** — жасур, қаҳрамон, ботир

**синоҳ** — қўшин

**қалб** — қўшининг ўргаси

**новак** — ўқ, камон ўқи, киприк

**паррон** — учиб бораётган, учётган

**ҳасад** — бу ёрда: раشك, қизганиш

**унвон** — адрес, нишон маъносида

**чашмаи ҳайвон** — тириклик суви булоги. Тасаввуфий маъниода илоҳий файз манбай ва комил инсон қалби

**Хизр** — ҳамиша тирик, тириклик суви — оби ҳаётни ичган пайгамбар, валий зот, тасаввуфий маъниода илоҳий

мужтанинг сўфий кўнглига нозил бўлиши, хушхабар

**сабзу хуррам** — яшил, яшнаб турган майсаатар

**лабболаб** — лиммо-лим, лиқ тўла

**муғ кўйи** — оташпарамастлар кўчаси, тасаввуфий маъниода пир ҳузури, ошиқ дарвешлар талпинадиган висол мақоми

**шамса** — иморатлар пештоқидаги нақш, қубба

**кўқ тоқи** — осмон гумбази

**рифъат** — қўтарилиш, баланд мартаба, юксаклик

**зийнат** — безанган, зеб берилган

**яшил ҳат** — маъшуқа юзидаги туклар, тасаввуфий маъниода барзах — моддий ва руҳоний олам ўртаси, бақо четарасини айтганлар. Ҳақ юзининг аёнлашуви, мутлақ жамолнинг пайдо бўлишини ҳам англатади

**ўқ** — киприк. Тасаввуфий маъниода Илоҳнинг инояти. Маҳбуба азалий назарининг ошиқ қалбига нур бўлиб тушишини айтганлар.

## Насрий баён

Ул парисифат соҳиб жамол мени шундай мафтун ва бехуд қилибдики, унинг ишқида сарсонлигимга қараб, олам аҳли менга ҳайрон, мен эса ул гўзалнинг жамолига ҳайрону девонаман.

Ёки: парда ичидаги ул руҳоний (хаёлий) гўзал ишқида шундай овораманки, олам бу аҳволимга ҳайрону мен эса, Унга ҳайронман.

Эй гўзал пари, киприкларинг ўқидан (ёки ул илоҳий назарнинг қалбимга тушишидан) кўнглим ўти пасайди, чунки ўқинг учидаги темир тиф гўё қатра сувдай бу оловни ўчиради.

Кўнгил шундай бир баҳодирки, ғам лашкари ўртасига ҳужум қилганда, унинг оҳи ўқдай бўлса, янги яраси – доғи қизил рангли қалқон кабидир.

Ёр ўқи (киприги)нинг патлари ва темирдан қилинган учи рангли тус олган, балки бу ўқ юрагимни тешиб учиб ўтганда оққан қон унга юқмишилр?

Ишқ шавқида ёзган мактубим ул гўзал парига қандай қилиб етсинки, мен одамлар ул пари исмими ўқиб, хабардор бўлмасин деган фикр билан мактуб устига нишони – отини ёзмадим.

Сенинг Хизрдай абадий ҳаёт нишонаси бўлган тукларингнинг яшнаб туриши ажаб эмас, чунки ҳаёт булоги уни тириклик суви билан сугориб турибди.

Муглар кўчаси (пири комил ҳузури) қандай яхши, унинг мартаба ва ҳашамати шундай баландки, тўё Қуёш унинг пештоқидаги чиройли қубба, осмон гумбази эса бир айвондай гап.

Булбул гулдан вафо – боқийлик истагани қизиқ ёки жала ёғавериб, фунчанинг бағри қотиб қолганидан, булбулга бу хандон гулдай кўриниб, абадийлик нишонасидай туюлгандир?

Жонини фидо қилмаган одам Жононга етмайди, деганлар, шу боис эй Навоий, ушбу сўзнинг маъносидан келиб чиқиб, юз жоним бўлса ҳам бари Ёрга фидо бўлсин дейман.

## Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ошиқона газаллари сирасига киради. Аммо бу ерда ошиқоналик билан орифоналик муайян маънода қоришиб кетган. Зоро, “ошиқона” дегани ишқ-муҳаббат завқи ва изтироблари, ёр жамоли васфи ва бу жамолта етишишга интилувчи кўнгил кечинмалари ҳиссиёти, ҳаяжон ва талпиниш-ларини тасвирловчи лирик асардир. Муҳаббат бир вақтнинг ўзида ҳам олам ва одам гўзаллиги, ҳам илоҳий Ёр жамолига қаратилган бўлиши мумкин. Гарчи орифона фалсафада моддий оламни мажоз, Мутлақ руҳни ҳақиқат (ҳақиқий мавжудлик) деб ажратилган бўлса-да, аммо бу икки тушунча батамом бир-бирига зид деб қаралмаган. Аксинча, мажозий олам тасвиридан мақсад Ҳақиқатни чукурроқ англаш, Уни инсонга яқинроқ қилиб тасаввур этиш кўзда тутилган. Ҳазрат Навоий тили билан айтганда, “айни ҳақиқатдир мажоз”. Бундай қарааш ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳиятидан келиб чиқади. Негаки бу таълимотга кўра, Мутлақ руҳ (Парвардигор) ҳам-ма ерда мавжуд. Олам гўзаллиги, ҳаётнинг нашъу намоси, жумла-дан, инсоннинг зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, камолоти ҳам шу Мутлақ руҳ туфайли ва унинг ҳикмати, файзу таровати натижасидир. Шу боис гўзат инсон (у чиройли аёл, навқирон йитит, қалби дониш ва кароматга лиммо-лим мўйсафид бўлиши мумкин)га муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Буни бошқа ғазаллар шарҳида ҳам кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Келтирилган ғазалда ҳам мана шундай тасвир усули қўлланилган (Навоийнинг кўпчиллик ғазалларида буни мушоҳада этиш мумкин). Яъни ошиқ соҳибжамол инсонни кўриб, унинг хусну жамолига мафтун бўлганидан девонадай бўлиб қолади, одамлар ошиқнинг бу аҳволига ҳайрон. Албаттга, бу тасвирда анъанавийлик йўқ эмас, бироқ тоза ва завқу шавқ қўзғатадиган ташбеҳлар уни жонлантиради. Ошиқнинг бехуду шайдолигига сабаб ёр киприги-дир (нозли қараши, карашма). Киприк камон ўқига ўхшатилган, бу ўқ

тўғри ошиқ юрагига бориб тегади, демак, маъшуқа ошиққа эътибор қилган, унга назар ташлаган. Ана шу назар бир томондан, ошиқни хурсанд этган бўлса, иккинчи томондан изтироб ва азоб ўтига гирифтор этган. Ошиқ шунинг учун ҳам маъшуқа жамолига ҳайрон бўлиб, қалбидা ишқ олови ёнса-да, аммо унинг киприклари қалбига тегиб. бу ўтни ўчиради, чунки ўқнинг уни темирдан, темир эса сувга ўхшайди, дейди шоир. Шундан кейин бу ўқقا бардош берган қўнгилнинг яралари, бу яралардан оққан қизил қонлар тасвириланган. Фазалда ёр юзининг туклари Хизр кийими ранги (Хизр ҳар доим яшил либос билан тасаввур қилинади, чунки у абадий ҳаёт рамзи) ва майсазорга ўхшатилган. Бу – ошиққа ҳаёт бағишлай-диган баҳорий ранг ва илоҳий булоқ қабидир. Бу ўринда рамзийлик ва реаллик, илоҳийлик ва моддийлик бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисини изоҳлаб, ажойиб лавҳа тасвирини вужудга келтирган. Ушбу байтдан кейин келадиган байт ҳам олдинги байт мазмунини давом эттириб, пири комил ҳузуридаги маънавий мулоқот таърифига бағишлиланган ва булбулга ўхшаб зоҳирий – ўткинчи гўзалликка эмас, балки ҳақиқий Моҳиятга ошиқ бўлиш, бу Моҳиятни англаш, идрок этишга даъват этароқ, Навоий бунинг мушкуллигини ҳам ғазал мақтаида қайд этади: жонни фидо этмагунча Жононага етиш мумкин эмас.

Н.Комилов

<sup>1</sup> Умуман мумтоз шеърията ҳақиқат ва мажоз тасвири бир қанча олимларимиз ножоизда, жумладан, проф. М.И момназаров, С.Олимов, К.Муялалўжаева тадқиқотларида яхши ўрганилган.

## 15-Фазал

Менмудурменким сенинг васлинг мұяссардур манга?!

Бахти гумақдин қачон бу қисса бовардур манга?!

Хақ тануқдурким, тирикликтин манга сенсен мурод.

Йүқса оламнинг йўқу бори баробардур манга.

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб

Гар насиб эмди ўшул поқиза гавҳардур манга.

Не учун базми висол ичинда ичмай бодаким,

Кўзию оғзи бугун бодому шаккардур манга.

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам

Ҳамдам ул ой чеҳралиғ хуршидпайкардур манга.

Сарвни ўртаб, суманни елта бер, эй боғбон,

Ким бугун ҳамсуҳбат ул сарви суманбардур манга.

Қўрқарам ҳирмон саҳобин ёпмагай фаҳм этса чарх,

Ким шабистон меҳр шамъидин мунавардур манга.

Эй Навоий, ҳеч билмонким топибмен васлини,

Ё магарким жумлайи олам мусахҳардур манга?

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лұғат

vasl — боғланиш, етишиш,	тануқ — гувоҳ
қўшилиш, учрашув	ғаввос — дентиз тубига
гумраҳ — йўлини йўқотган,	шўнгигиб, гавҳар изловчи, сувга
овора, адашган	шунгийдган одам
бовар — ишониш	гавҳар — дентиз тубида

садаф ичидә пайідо бұлағынан  
қимматбаҳо минерал тош

**хүршид** — офтоб, қүёш

**хүршидпайқар** — куриниши,  
қадду қомати қүёшдай нурли  
гүзал

**сарв** — қишин-ёзин яшнаб  
турадынан, тик үседиган, игна  
барғын чиройли дараҳт

**суман** — ёсуман, оқ рангли,

хүшбүй гул

**хирмон** — маҳрумлик,  
ноумидлик, бенасиб қолиш

**саҳоб** — булат

шабистон — ишратхона,  
ҳарам, тунғы баҳм хонаси

**мехр** — офтоб, қүёш

**мусаххар** — тасаррүфта  
олинган, мағлуб этилган,  
эгалланган

## Насрий баён

Сен билан учрашиш, сенга етишиш менга мұяссар  
бўлармикин, бу афсонанинг ҳақиқатга айланишига кўзим  
етмайди, чунки баҳтим қора, йўлдан адашганман.

Тириклигимдан мақсад — муродим сен эканига Ҳақ таоло  
гувоҳ, шу умид бўлмаса, менга оламнинг йўқу бори  
баробардир.

Эй кўнгул, васл уммонининг ғаввоси бўлибман, ажаб  
эмаски ўша поқиза гавҳар — ёрим дийдори менга насиб этса.

Висол базми ичидә хурсандчилик бодасини нега  
ичмайнинки, бугун ёрнинг кўзи бодом каби, оғзи эса  
шакардай бўлиб, лаззат багишламоқда.

Эй осмон, ой билан офтобингни йиғишириб ол, негаки  
бу дам менга ул юз ойдай, қомати қүёшдай гўзалим  
йўлдошдири.

Эй боғбон, бөгингдаги чиройли сарв дараҳтию хүшбүй  
ёсуман гулини совуриб ташла. Чунки ул сарв қоматли,  
суманбар соҳибжамол ёрим ҳамсуҳбатимдир.

Коронги тун ул гўзал чехраси шамъидин нурағшондир,  
фалак мабодо маҳрумлик булатини юбориб, шамъимни  
беркитмаса, деб қўрқаман.

Эй Навоий, ёр васлини топғанманми — йўқми, ҳеч  
билолмадим, ёки бутун олам тасаррүфимга кирғанмикин?  
(ва шу боис васлини сезмаяпманми?)

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ҳар бир газалида муайян кечинма, ошиқнинг бирор ҳолати тасвирга олинали. Шунга яраша ташбех, тамсил танланади. Олдинги газалда ёр назаридан ҳосил бўладиган кечинмалар куйлангани учун киприк ва карашмали қараш тимсоли – камон ўқи марказий тамсил бўлган бўлса. бу газалда ёр дийдорига етишиш умиди тасвирлангани боис васл, висол сўзлари марказий образ – тамсил қилиб олинган. Матлаъда васлга етишиш илинжи, ёр эътиборига тушиш армони қаламга олинади, ошиқ маъшуқага “мен шунга лойиқманми, кошки лойиқ бўлсайдим” деган ўқинчли оҳ чекади. Иккинчи байтда ёрга садоқат, ишқнинг кучи тилга олиниб, ошиқнинг бутун дунёси, ҳаётдан, яшашдан мақсади ёр висолга етишиш экани айтилади, бу бир аҳду паймандай жаранглайди, зоро, ошиқ: бу ниятимга Аллоҳнинг ўзи гувоҳ дея қасам ичгандай ишонтиради бизни. Шундан кейин васл гавҳарини топиш йўлидаги талпиниш ва қувончлар тасвирга олинали. Шоир ўз лирик қаҳрамонининг идеаллари, орзуларини, янги-янги ташбеҳлар билан жонлантириб боради: у васлдан сархуш, осмондаги ою қуёш унга писанд эмас, чунки ёнида тенгсиз соҳибжамол ёри бор, ердаги сарву суман ҳам бу гўзал олдида хира ва бекадр. Ана шундай висол базмининг давом этишини истайди шоир, аммо газал мақтаида буларнинг бари хомхаёл экани, ёр васлини топибдими - йўқми – ноаниқ экани, дунёни эгалласа ҳам балки бу васл муюссар бўлиши даргумон эканини бир армон билан қайд этади.

Н.Комилов

## 16-Ғазал

Күргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга,  
Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Ҳар неча делимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим: вафо қилғил, манга зулм айладинг,  
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манга, бўлдум санга.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам биро бўлдум санга.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**мубтало** — ботланган,  
гирифтор, шайдо, ғамга  
ботган

**пайкар** — сурат, ҳайкал,  
жусса, жисем

**Жоми Жам** — Жамшид  
жоми. Биринчи ғазалдаги  
изоҳга Қаранг

**Хизр суйи** — тўйқизинчи  
ғазал изоҳига Қаранг

**жоҳ** — мансаб

**ғусса** — гам. ғусса чанги  
— ғам чолғуси, ғам-алам  
куйини таратган чанг

**наво** — а) куй; 2) бойлик,  
бутунлик, гармония. Бенаво  
— номукаммал, қашшоқ,  
гариб

**ушшоқ** — ошиқлар

## **Насрий баён**

Хуснингни кўрай деб сенга зору асир бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балоли кун экан?

Сендин кўнгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кун-кундан баттарроқ сенга боғланиб қолдим.

Мен қачон сенга: менга вафо қил, деб айтдимки, менга устма-уст зулм қилмоқдасан, сен қачон менга фидо бўлгил дедингки, сенга фидо бўлмадим?

Қайеси пари қоматли гўзалга бу хилда ошиқи девона бўлдинг, деб сўрайсан. Эй пари қоматлитим, манга не жабру жафо қилсанг ҳам розиман, чунки сени севиб, девонанг бўлиб қолдим.

Эй кўнгил, улуғлар. донолар насиҳатига мен қулоқ солмадим, энди сен ҳам овора бўладиган бўлдинг, бошимдаги юз бало етмагандек, сен ҳам бир бало бўлдинг (ёки мен сенга бир бало бўлдим).

Жамишид жомидаги май – васл сархушлиги ва абадий ҳаёт рамзи Хизр сўйи насибам бўлсин десанг, мансабдан кечиб, дарвеш бўл.

Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ишқ алами куйини эшифтадим.

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Навоийнинг ушбу ғазали анча машҳур, хонандаларимиз уни қўшиқ қилиб куйладилар. Ғазал муҳаббат мавзууда бўлиб, ошиқ ва маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-фироқ кўргизади, ошиқни қийнайди. Ошиқ эса буни писанд қилмай, ҳамма балолар, жабр-зулмга чидайди ва ишқида содиқ эканини исботлаб бораверади. Ғазал матлаидан бошлаб ошиқликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳангрободай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошиқ щунча телбаларча унга интилиши тасвирланади. Шунга яраша мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўзлари

иширикидаги байтларда икки хил ҳарактер, яъни нозу  
карашмали маъшуқа ва қийноқтар гирдобида қолган  
умидвор ошиқ образлари яратилган. Олтинчи байт газалда  
мазмунан алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу байт ҳам  
аввалти байтлар билан bogланган. Аммо бунда шоир муҳаббат  
мавзудаги ушбу газал ҳам орифона маънога эга эканини  
тъкидлаб ўтгандай бўлади. Чунончи, Жамшид жоми ва Хизр  
сўйи (оби ҳаёт) – бу пири комил қалби, бу қалб Аллоҳ  
нури билан мунаввар. Навоий дейлики, агар мансабу  
давлатни тарқ этиб, дарвеш бўлсан, ана шу абадий илоҳий  
файз насибам бўлади. Соқий деганга ҳам пири комил, ҳам  
ёри азиз, маъшуқа назарда тутилади. Яъни соқий – пирга  
стишиб, ишқ нурига гарқ бўлиш учун дарвеш бўлиш керак.  
Охирги байт ҳам шунга боялаб юборилган.

Н. Комилов

## 20-Фазал

Заврақ ичра ул қүёш сайр айламас Жайхун аро,  
Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон: Жайхунда ул ой кема бирла сайд этар,  
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўрап Жайхун аро.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,  
Анда ёр андоқки мардум дидайи пурхун аро.

Борғил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас  
Жўнгким. Лайло аморийсин чекар ҳомун аро.

Олма хум гирдобидин бир лаҳза согар заврақин,  
Баҳри гамдин истасанг маҳлас бу даҳри дун аро.

Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,  
Мавж ураг юз баҳри ғам бу хотири маҳзун аро.

Дур бўлур баҳр ичра пинҳон, назмидин шаҳ мадҳида  
Баҳр ёшурмиш, Навоий, ҳар дури макнун аро.

— V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

заврақ	қайниқ	пурхун	қонга тўла, қонли
Жайхун	Амударё	жўнг	кема
ахтари саъд	баҳт юлдузи	амора	одам ташиш учун
ҳилол	янги ой	туяга ортиладиган	кажава
гардун	чархи фалак, осмон	ҳомун	саҳро, чўл
меҳр	қүёш	согар	шароб ичадиган
мардум	одамлар, бу ерда	коса, пиёла, қадаҳ	
кўз	қорачиғи	маҳлас	ҳалослик, қутулиш

<b>даҳри дун</b> — пасткаш, ярамас дунё	<b>маҳзун</b> — гамти, ташвишли
<b>мушавваш</b> — паришон, ташвишли, беором	<b>макнун</b> — яширин, дурри макнун — садаф ичидаги марварид

## Насрий баён

Күёшдай юзи порлөқ ул гўзал Амударёда қайиқ ичилда сайл қилмоқда деманг, балки гўё янги ой ўроти ўртасида осмонни кезаётган баҳт юлдузи леб айтинг.

Амударёда ул ой кема ичилда сайр этаяптими ёки одамлар янги ой билан қўёш аксини дарёда кўрмоқдаларми, билмай қолдим.

Кемадан ҳар дамда рангли суюқлик — қизил шароб менинг ҳижронда оқаётган қонли кўз ёшимдай оқаётири. Кемадаги ёр (шу боис) қонли кўз ичидаги қорачиққа ўхшайди.

Эй Мажнун, нари бор, ахир қажавасига Лайли ўтирган түяning суръати ул отнинг кемаси (қайиги)дай тез эмас.

Бу пасткаш дунё гами денгизидан кутилмоқчи бўлсанг хумнинг гирдобидан бир лаҳза қайиқ мисоли май косасини олма.

Ушбу денгиз (ғам денгизи)дан сенинг хотиринг паришон бўлмасин деб бу ҳазин ва ғамили дилимда юз денгиз ғами тўлқинланади.

Дур денгиз тубида яширингандай, шоҳ мақтовидаги Навоийнинг назмини денгиз ҳар бир яширин гавҳар ичига беркитмиш.

## Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли мазкур газални икки қисмга ажратиш мумкин: а) 1-4- ва б) 5-7-байтлар. Аввалги қисм байтларда маҳбубанинг Жайхун (Амударёда кемада сайру саёҳати тасвирланган. Дарёдаги кема (қайиқ) ва унда ўтирган маҳбуба осмонда сайр этадиган ҳилол ва ёрқин баҳт юлдузига ўхшатилган. Фоят чиройли ташбеҳ! Бу Навоий ҳаёлоти, бадиий санъаткорлигининг мўъжизаларидан

биридири. Лайли минтан түяниң саҳро кемасиға ўхшатилиши ҳам жозибали. Зотан, түяни саҳро кемаси дейиш халқ орасыда машхур. Лекин Навоийнинг мақсади фақат түяни саҳро кемасиға ўхшатиш эмас, балки дарёда кемада сайд қилаётган ёрининг Лайлидан гўзалроқ экани, ҳатто кеманиң суръати карвондан тезроқ эканини таъкидлаш бўлган.

Ғазалнинг иккинчи қисмида шоир завқли ташбеҳлар тасвиридан бирданига андуҳли оҳантга ўтади ва денгиз, тўлқин, қайик, гирдоб сўзларини ошиқнинг изтиробли кечинмаларини ифодалашда қўллайди. Афтидан, дарёда сайд этаётган ёрга етишиш дарди ошиқни қийнаб, умр, дунё, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этгандай бўлади ва май сақланадиган идиш — ҳумни дентизга, пиёлани эса қайикқа ўхшатиб, дунё ғамидан халос бўлишининг бирдан-бир йўли шу майдан ичиб, ҳамма гамни унутишга чорлайди. Албатта, май, ҳум, соғар бу ерда тасаввуфий маънога эга, яъни: май — илоҳий ишқ, тажалли — ёт нуридан баҳра олиб, ҳол мақомига эришиш, ҳум — илоҳий тажаллий манбай, орифи комил кўнгли, соғар — шу нурдан баҳра олиш, мушоҳадага берилиш илоҳий насиба.

Шоир қаҳрамони ана шу насибага интилиб, юз ғам дентизи дуч келса ҳам рози бўлишга тайёр.

Хўш, бу қисмлардаги ғоялар орасыда қандай боғланиш бор? Боғланиш шуки, биринчи қисмда зоҳирий ҳаёт гўзаллиги шавқу завқи тасвирланган бўлса, иккинчи қисмда ботиний ҳаётга ташниалик акс этган. Аслида ҳар икки жиҳат ҳам бир-бираiga боғлиқ. Мажоз — ҳақиқат, ҳақиқат — мажоз бўлгач, зоҳирдан ботинга ва ботиндан зоҳирга қараб бориш ҳам мантиқий ҳолдир.

Н. Комилов

## 23-ғазал

Күнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа,  
Ҳар күнгүл ҳамким санинг шавқингни парво айласа.

Ҳар киши васлинн таманно айласам, навмид ўлай,  
Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Үзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун күзүм,  
Үзга бир күз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Файр зикрин ошкоро қылса, лол ўлсун тилим.  
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашқдин жонимға ҳар наргис күзи бир шуъладур,  
Бог аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмагай,  
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул мүғким, мени  
Бир қадаҳ бирла ҳаробот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон, йўқ, табиб  
Ким ул ансабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймағай осорини,  
Ногаҳ аҳли силқ қўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

<b>тайр</b> — ўзга, бегона дунё	<b>жунун</b> — девоналик.
<b>парво</b> — эътибор	<b>жиннилик</b> ларди
<b>таманно</b> — орзу	<b>парихон</b> — афсунтар,
<b>навмид</b> — ноумид	дуохон, азойимхон
<b>сағи ရား</b> — гүзал қоматли	<b>ансаб</b> — энг муносиб,
маҳбуба	лойиқрок
<b>нукта</b> — сўз, ҳикматли сўз	<b>осор</b> — асарлар, белгилар,
<b>маҳваш</b> — ой юзли, ойдай	излар, нишоналар
<b>офият</b> — тинчлик	<b>аҳли сидқ</b> — валий инсонлар
<b>муғ</b> — оташпарат руҳоний,	<b>ифшо</b> — фош қилинган,
тасаввуфий маънода ориф	очилган, ошкора узор — юз
инсон	<b>мутарро</b> — тозаланган
<b>ҳаробот</b> — ҳароб бўлган жой,	<b>даҳр шўхи</b> — дунё гўзали,
тасаввуфий маънода, пири	дунё безаги, ҳаёт
комил ҳузури	<b>сайд</b> — ов

## Насрий баён

Сендан ўзгага эътибор қилса, кўнглим ўртаниб ёнсин, сенинг шавқингни пайдо қиласан бошқа кўнгиллар ҳам ўртансин.

Бошқа маҳбуналар васлинни истасам, ноумид бўлай, Сенинг васлингни тилаган ҳар бир киши ҳам шундай бўлсин.

Агар ўзгаларнинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб қарасам, кўзим чиқсин, сенинг ҳуснингни тамошо айлаган бошқа кўз ҳам оқиб тушсин.

Сендан бошқанинг номини айтсан, тилим тутилсин, номингни зикр этган бошқа тил ҳам шундай бўлсин.

Агар ул раъно қоматли ниторим боф аро сайд айласа, нарғисдай чироғли кўзлари рашкдан жонимга шуъладай бўлиб ёндиради.

Куёш ҳар заррасидан бир Исо яратса ҳам у менинг тор оғизли (оғзи кўринмайдиган) ой юзли гўзалимдай бўлолмайди.

Хурсандман ул пири комилданки, бир қадаҳ май тутиб (илоҳий муждадан баҳраманд этиб), ўз ҳузурида бехуду маст этди ва жонимга роҳат, осойиштатик бағишилади.

Девоналигимни даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир пари пайкар гўзаси шайдо айлаган бўлса, унга шу муносибдир.

Агар сидқ аҳли — вали инсонлар кўнгли Унинг меҳрини фош этса, осмон тонг ёғдуси каби ўз нурини бир лаҳза қўймай тўкаверади.

Тун ҳар қанча зулфини тозалаб, хуш бўй таратиб, кундуз юзига ёпса ҳам, эй Навоий, дунё гўзалига ов бўлма.

## Шарҳ ва изоҳлар

Навоийнинг ушбу ғазалини рашикнома деса ҳам бўлади. Ошиқнинг ўз маъшуқасига ишқи ўнчалик кучлики, у ҳеч кимни унга яқинлаштиргиси келмайди, иложи бўлсаю, маҳбубасини барча ғайр ва бегона кишилардан яширса, ҳеч ким у ҳақда гапирмаса, ҳатто номини тилига олмаса. Шу боис ҳар бир байт бир илтижоли қасамдай жаранглайди, яъни ошиқнинг ўзи ҳам ёрдан ўзгага боқмасликка онт ичади. Ҳа, ҳақиқий муҳаббат ана шундай, у фақат севган ёр васфини талаб қиласи, ўз ёрини барчадан устун деб билиб, бутун вужуди, фикру ўйи билан ёр ёди билан яшаб, унга талпинади. Рашик ва қизғаниш, ахир, муҳаббат кучидан нишона. Севмаган одамда рашик бўлмайди.

Аммо Навоий, ҳар галгидай, бу ғазалда ҳам яна ошиқона ҳиссиётлар тасвиридан орифона фикрлар баёнига ўтади, бошқача айтганда мудлаоси пири комил ҳузури эканини қайд этиб ғазални якунлайди.

Н.Комилов

## 27-Фазал

Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса,  
Марҳам ар йўқтур кўнгулга, ништар ҳам бўлмаса.

Оlam аҳлидин агар йўқтур жигаргун согаре.  
Кошки юз минг қадаҳ хуни жигар ҳам бўлмаса.

Маҳвашеким бўлмағай васлидин уммиди ҳаёт,  
Хуштуурким жонга ҳажридин хатар ҳам бўлмаса.

Бедилеким бехабар тушгай бирор ҳижронига  
Не балодур гаҳ-гаҳе андин хабар ҳам бўлмаса.

Соқиё, неткай мени ул навъ қилсанг мастким,  
Ақлу хушимдин нишон, балким асар ҳам бўлмаса,

Ким тузай мастона шоҳи Фозий афсофида савт,  
Бу кўнгул гар бўлса ўз ҳолида, гар ҳам бўлмаса.

Эй Навоий, сен чекарсен оҳ, лекин яхшидур  
Ул парининг зулфи бу ел бирла дарҳам бўлмаса.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

нафъ	- фойда	хуни жигар	- жигар қони
марҳам	- малҳам, дори, даво	соқий-	1-фазал шарҳига
ништар	- тиг, жарроҳлик тиги, найза	Қаранг	
жигаргун	- жигарранг, қон рангига ўхшаш	авсоф	- таъриф-тавсиф, мақтоворлар
согар	- 7-фазал шарҳига	савт	- куй, оҳанг
Қаранг		дарҳам	- паришон бўлган, ёйилган, чирмаштан

## **Насрий баён**

Замона аҳлидин фойда етмайди, аммо қани эди заар ҳам етмаса; дил дардига малҳам қўймаслар, лекин кошкийди ханжар ҳам санчиб турмасалар.

Кизил шароб тўлдирилган коса тутмайдилар, лекин қани эди жигарни қон этувчи юз минг азоблари ҳам бўлмаса.

Ул маҳвашки, васлига етиб, ҳаёт гаштин суриш мұяссар әмас, лекин айрилиғу ҳижронидан жонта хабар етмаса ҳам яхши бўларди.

Бир гўзал ишқига дил бериб, ўзидан бехабар бўлиб қолган ошиқи зорнинг аҳволидан ҳам ҳар замон ҳабар бўлмаса, қандай мусибат.

Эй соқий, мени боданг бирла шундай маст қилгилки, ақлу хушимдан бирор нишона қолмасин.

Балки кўнгил ўз ҳолида бўлса ёхуд беҳол бўлса ҳам Шоҳи Фозий Ҳусайн Бойқаро таърифидан бир куй яратайким, олам қойил қолсин.

Эй Навоий, сен оҳ чекасан, аммо ул паризоднинг зулфи оҳингнинг ели билан чирмасиб, ёйилиб кетмаган бўлса яхши бўларди.

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Ушбу ғазал маълум даражада Навоийнинг ҳасби ҳолини ифодалай, улуғ шоирнинг атрофидаги замондошлиаридан зада бўлган кўнглининг дарди ифодаланган. Шу боис дастлабки байтларда нола ва норозилик оҳанги балқиб намоён бўлади. Жафокорлик, нозик қалбларга ништар санчиш фақат Навоий яшаган давр кишиларига хос әмас эди. Ҳамма замонларда ҳам соғдил, беғараз инсонлар, айниқса, Навоий каби буюқ шоир ва мутафаккирларни атрофидагилар кўролмаган, ҳасад қилиб, зиён етказиш, табъини хира этиш пайида бўлганлар. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳайрат ул-аброр” асарларида, бир қанча лирик асарларида замона аҳлидан нолиши шундан. “Кимгаким бир

вафо қылдым жуз жафосини топмадим”, деб нолийди ва афсус чекади шоир. Навоий юзлаб одамларга меҳру муруватт кўргизди, тарбиялади, ўқитди, ҳожатини чиқарди, аммо уларнинг аксари бунинг эвазига шоир шаънига дод туширдилар, бевафолик қылдилар. Ана шуларнинг ҳаммаси бир улуг Дард бўлиб, Навоий юрагини эзарди ва шеърларига кўчарди. Кошки бу одамлар вафо қилмасалар ҳам, жафоу жабр кўргазмасалар ёки ишқ аҳтининг насибаси шумикин. Ана шу дард уни дунёдан зада қилиб, ҳароботга, идеаллар, эзгу хаёллар огушига етаклаган.

Яна бир муҳим ишора шуки, шоир ана шу кайфиятда султон Ҳусайн Бойқаро васфини тилга олади, унинг дийдорини қўмсайди. Демак, Султон Ҳусайн Бойқаро нафақат шоҳ, мамлакат ва миллат сардори, балки Навоий каби дили Дардга тўла инсонларнинг маънавий ҳамдарди, таскин ва тамкин берувчиси бўлган. Зоро, пок дил пок дилга талпинади.

Н.Комилов

## 28-Ғазал

На хүш бүлгай иковлон масти бүлсақ васл боғинда,  
Құлум бүлса аниң бүйнидаю оғзим қулогинда.

Даме васл ичра волалиғ била рухсорим әгнида.  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда.

Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,  
Күруб ғуллар очилғон бодадин рухсори боғинда.

Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон сүйидек завқдин, күргоч  
Тарашишүх бодадин гул яфроғи янглиғ дудогинда.

Гаҳи күз суртаримда, йўқса ҳар ён шодлиғ ашким  
Гул узра қатра шабнамлар киби симин сақоғинда.

Гаҳи бехудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми,  
Белига чирмашурда шавқнинг ифрати чоғинда.

Не келса тонгла келсин, бир тун усрук ётса ҳам хушдур  
Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда.

Қачон даврон манга бир бүйла ишратнираво күргай,  
Ки ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Навоий, сен киму ишрат майи билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам боши керактур ўз ялоғинда.

V — — —      V — — —      V — — —      V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилүн мафойилун  
ҳазажии мусаммани солим

## **Луғат**

**вола** — мафтун, шайдо,  
воло — баланд мартаба

**ниёз** — талабгорлик,  
эҳтиёж, илтижо

**ажз** — ожизлик

**занаҳдон** — ияқ, жағ,  
сақоқ. Тасаввуфий маънода  
маҳбуб лутфи

**мукаррар** — такрор,  
қайта-қайта

**бода** — ичимлик, май.  
Тасаввуфий маънода илоҳий  
нусрат ва ишқ

**руҳсор** — юз

**ҳайвон сўйи** — Хизр ичган  
абадий тириклик суви

**тарашшух** — суюқликтинг  
сизиб чиқиши, намоён  
бўлиши

**дудоф** — лаб

**сиймин сақоқ** — кумушдай  
ияқ

**ифрот** — ҳаддан ошиш,  
чегарадан чиқиши

**ялоғ** — итлар овқат  
еидиган идиш, ялоқ

**усрук** — маст, сархуш

## **Насрий баён**

Иккаламиз васл боғида дийдор кўришишдан, ишқ  
галабасидан шоду хуррам, оламни унугиб бехуд бўлсан,  
қўлим ёрнинг бўйнидаю, оғзим қулогида бўлса, қандай  
яхши бўларди.

(Шунда) бир нафас васл шайдолиги ичра юзимни эгнига  
суртиб, яна бир нафас илтижо билан унинг оёғига бошимни  
қўйсам эди.

Гоҳида иягини тутиб қайта-қайта силасам ва шароб  
таъсирида юзи гулшанида очилган гулларни кўриб  
завқлансанм.

Гоҳида гул япрогига ўхшаш лабларини ишқ завқидан  
Хизр ичган тириклик сувини ичгандай шимиб ютсанм.

Гоҳида шоддигимдан оққан кўз ёшларим кумушдай  
иягида шабнам қатрасидай томганини кўруб, яна завқим  
тошса.

Гоҳида шавқиму завқим ошганидан одоб қоидасидан  
чиқиб, белидан кучоқлаб олганимда сесканиб кетсанм.

Қиёмат куни нима бўлса бўлар, киши гул очилган баҳор айёмида бир гул хирмани – жононани қучогига олиб бир кеча бўлса ҳам, бехуду маст бўлиб ётса яхшидир.

Даврон менга қачон шундай ишратни раво кўрар экан, мени васл хурсандлигига эмас, айрилиқ дарду доғини чекишга ўргатди.

Эй Навоий, сен киму васл майининг ишратини сурин қайда. Ахир билмайсанки, ит қон ичса ҳам бошини ўз ялогидан кўтармайди.

## Шарҳ ва изоҳлар

Бу асарда Навоий лирик қаҳрамони орзуларининг ажойиб тасвири келтирилган. Аммо ана шу хаёлий лавҳаларни шоир реал ва ниҳоят жозибали, жонли гавдалантира олган. Бир-бирига муштоқ севишганларнинг васл боғидаги учрашуви, бир-бири дийдоридан лаззатланиши, ошиқнинг нозик, баъзан эса ўзини тутолмай қилган “қўполроқ” хатти-ҳаракати ўқувчига кучли завқ берадиган даражада таъсиран, жонли тасвир этилган. Ошиқ ёрининг бўйнига қўлини қўйиб, қулогига муҳаббатдан сўзламоқда, яна бир лаҳзадан кейин белини қучади, юзларини силайди, лабларидан ўпади, кўзларини ёр юзига суртади. Бу муҳаббатнинг ғалабаси, ширин висол дамларининг нозик ҳолатларини дилкаш ва эсда қоладиган деталлар билан тасвирлаш санъати, Навоий лирик маҳоратининг дурдона намунаси. Тўқиз байтлик газалнинг етти байтида севишган қалбларнинг мулоқоти ва бундан роҳатланиши, ажиб инсоний кечинмалар худли буюқ бир рассом чизгандай бадиий сўз воситасида етти хил ҳолатда кўрсатиб берилган.

Бироқ сакқизинчи байтга келганда, бу тасвир Навоий хаёлининг маҳсулни экани маълум бўлади. Шоир бир ўкинч билан: қани эди, замону даврон менга ҳам шундай бир васл дамларини насиб этсайди, ёр васлидан лаззатланиш бир кеча бўлса ҳам бир умрга татигулик, умргагина эмас, икки дунёга арзигулик ва қиёмат куни нима жазо бўлса

ҳам, аммо ана шундай висол оқшомидан воз кечмас эдим, деган Хайёмана фикрни баён этади. Бироқ ана шундай ширин дамлар Навоййга ўхшаганларга насиб этиши мумкин эмас, у “ишрат майдан” маҳрумлигини газал мақтаида аламли тарзда қистириб кетади.

Ўкувчиларда бу ғазалдаги тасвиirlарда орифона маънолар ҳам борми, деган савол туғилиши мумкин. Зоро, агар бода деганда илоҳий файл нусрати ва ишқ назарда тутиладиган ниёз Аллоҳга талабгорлик, мастилик, усерук - пир сўзидан сархушликни англатадиган бўлса. шу каби васл, занахдон, лаб (дудоқ), бел, ҳайвон суви каби сўз ва иборалар кўпинча тасаввуфий маънога эга бўлса. унда ғазалдаги тасвирда сўфиёна маъно назарда тутилган эмасми?

Албатта, Навой бу ғазалида ҳам тасаввуфий маъно бор. Бу хаёлий ҳолатларни пири комилга интилган талабгор кишининг руҳий кечинмалари билан қиёслаш мумкин. Аммо, камина назарида ғазалда дунёвий севги тасвири устунроқ ва умуман олганда эса, юқорида кўрганимиздай, Алишер Навоййнинг ошиқона ғазалларида ҳам орифона маънолар акс эттирилган ва бу “мажоз усулида” ижод қилувчи шоирларда бир усул, анъана эди.

Н.Комилов

## 74-Фазал

Тийра кулбамға кириб, жоно, ўлумдин бер нажот,  
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.

Сода күнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,  
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.

Оразинг меҳрида юзингдур гадолиг қилғоним,  
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

То күнгулдан бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,  
Қаш боласидек бўлубтурким, бўлур темурқанот.

Васл умидига тилармен умр, лекин войким,  
Сенсизин кўрсам, тирикмен, ўлтирур мени ўёт.

Истасангким, ул қүёш чиққач санга қилғай тулув  
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.

Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,  
Сўзидин куяр қалам, қурур қора, эрир давот.

— V — — — V — — — V — — — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

**тийра** — қоронги

тиниқ

**зулмат** — ағсанага кўра ер  
ости мамлакати, қоронги ер  
ости

**закот** — исломда мол-мулк  
солиги

**оби ҳаёт** — қоронги ер ости  
мамлакати чашмаси, абадий  
ҳаёт бағишловчи сув

**пайкон** — камон ўқининг  
үткир учи, найза, ўқ

**сода** — тоза, шаффофф,

**темирқанот** — эндиғина  
қанотларини учишта

шайлаётган күш боласи

<b>тууль</b> — офтобнинг нур сочиб чиқиши	тайёрланган қора рангли суюқлик, тушъ, сиёҳ
<b>сабот</b> — чидам, тоқат	<b>давот</b> — сиёҳдон
<b>кора</b> — ёзиш учун	<b>сўз</b> — сўз ва тафт, ҳарорат

## Насрий баён

Эй жонажон маҳбубам, ер ости зулмат дунёсида ҳаёт суви Хизрга абадий умр бағишлагандай, сен ҳам қоронги кулбамга кириб, мени ўлимдан халос эт.

Лаълдай лабингнинг хаёли соғу поқиза кўнглимга тушибди, бу худди шишадан ясалган идишга новвот солинганидай бўлиб кўринади.

Юзингнинг қуёши (мехри)ни тилашдан мақсадим (нуқтадай тор) оғзингдир, Ҳақ таоло офтоб мисоли яратибди (нурингдан) бир зарра менга закот бер.

Үқларинг (пати билан бирга) кўнглимнинг турли томонидан тешиб чиқибдилар. (Кўнглим) гўё эндигина темирқанот бўлган күш боласига ўхшаб қолибди.

Васлинг умидида Худодан умр тилайман, аммо войким, сенсиз тирик юрганимни кўрсам, уят мени ўлдиради.

Эй қўнгил, агар ул қуёши чиққандан кейин сенга нур сочиши (қараши, тажаллий этиши)ни истасанг, ғам сели оқиб келганда. тоғдек сабру тоқат қилиб чидагин.

Агар Навоий сенга бўлган ишқини ёзаман деса, сўзи (ҳарорати)дан қалам қуяди, сиёҳ қурийди ва сиёҳдон эриб кетади.

## Шарҳ ва изоҳлар

Бу ҳам Навоийнинг мажоз усулида яратган ошиқона фазалларидан. Аммо қўлланилган ташбеҳлар, тасвирий воситалар ўзига хос тароват, янги жилога эга. Ошиқнинг кўнгли топ-тоза, артилган шишадай шаффоф, шу боис ёр жамоли бутун товланиши, мафтункорлиги билан унда акс этади. Шонир бу байтда гўзал Ёр лабини лаълга, шу лаълнинг

хаёлини шиша идишта солинган новвотга ўхшаттан. Дарҳақиқат, новвотни шиша идишда сақлаш халқимизнинг қадимий одатларидан. Аммо лаъл – қизил, рантига кўра у новвотга ташбех бўла олмайди. Навоий эса ана шу номувофиқликни мувофиқлаштириш учун лаълнинг хаёли, яъни лаълдай лаб ҳақидаги ўй-хаёлини новвотга ўхшатган. Бу эса багоят гўзал, санъаткорона тасвир. Ошиқнинг ички олами ҳам бунда намоён бўлган.

Учинчи байтдаги тасвир ҳам ажойиб: ёр юзи қуёшта ўхшатилмоқда. Лекин шу қуёш ичидан у нуқтадай оғизни изламоқда. Оғизни нуқта деб айтишимизга сабаб бор. Мумтоз адабиётда ёр оғзининг торлиги, баъзан кўриниб кўринмай туриши гўзаллик белгиси деб қаралган. Қадимгиларнинг эстетик завқи, идроки мана шундай. Бироқ бунинг тагида орифона маъно бор. Оғизнинг торлиги комил пирнинг ниҳоят нозик сири ва валининг қудсий нафасига ишорадир. Айни шу маънода ёр қуёшга тенглаштирилган ва унинг зарралари – нури (сўзи, ҳикмати) ошиқ учун оби ҳаётдир. Шу пири комилдан баҳраманд бўлиш йўлида у гўё гадо ва закот талабгори.

Кейинги байтдаги ёр киприклари ўқидан мажруҳ бўлган дил ҳолатининг тасвири – ўқларнинг патини жўжа қушчанинг эндинигина учишни ўрганиб, типирчилашига ўхшатиши ҳам покбоз ошиқнинг садоқат изҳори. Ошиқ тоғдай саботу матонатли бўлиши, ёр тарафидан, ҳаёт чархпалагидан келган балоларга чидаши шарт. Бўлмаса у ошиқи содиқ эмас. Ана шундай ошиқларнинг дили ёниқ ва ҳарорати атрофдагиларга ҳам таъсир этувчиidir.

Ғазалнинг мақтаи – охирги байти бағоят гўзал, уни ҳусни мақтаъ десак хато бўлмайди. Чунки бу байтнинг образ – ифодаларигина эмас, ҳароратли оҳангига ҳам дилга қўзғолон солади. Шоир муҳаббат қудратини ажойиб ташбехлар тизими орқали васф этган, кечинмалар түфёнини тараннум этган.

Н. Комилов

## 84-Ғазал

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт.  
Зулфи сунбул, юзи гул сарви гуландомимға айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бодаюшомимға айт.

Ком-талху бода-захру ашк рангин бўлганин  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимға айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра нечун қиёди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимға айт.

Ул пари ҳажрида нангум номким тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимға айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимға, айт.

Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Холини, зинҳорким, кўрсанг, дилоромимға айт.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

**насими субҳ** — тонг ели.  
Тасаввуфий маънода илоҳий  
нур тажаллиси

**сунбул** — хушрўй, халқа-  
халқа гулли гиёҳ, маҳбубанинг  
зулфига ўҳшатилади

**сарви гуландом** — гулдай  
чироғли сарвқомат одам

**лаъл** — қизил лаб.  
Тасаввуфий маънода пир  
сўзининг қиймати, маъшуқа  
каломининг бебаҳолиги

**бодаюшом** — шароб ичувчи  
**ком** — оғиз. мурод-мақсад,  
орзу, баҳт

**талх** — аччиқ

<b>ашк</b> – кўз ёши	ғайбдан хабар берувчи
<b>лафз</b> – сўз	<b>оғоз</b> – бошланиш
<b>худком</b> – ўз мақсади, фойдасини ўйлайдиган	<b>исён</b> – бўйин товлаш, тоатсизлик, гуноҳ
<b>тийра</b> – қоронги	<b>партав</b> – шуъла, порлаш
<b>нангумом</b> – ор, номус, обрў-эътибор	<b>анжом</b> – охир, якун
<b>кароматгўй</b> – башоратчи, маҳбубига топширган, ошиқ	<b>бедил</b> – дилсиз, дилини

## Насрий баён

Эй тонг ели, аҳволимни юзи гулдай чиройли, сочи сунбулдай хушбўй, қомати сарвдай тик ва гул каби нозик дилга ором бергувчи ёримга айт.

Унинг лаълдай қизил лаби ҳасратидан бот-бот қон ютишимни қизил майдан пиёлани лиммо-лим тўлдириб ичаётган ва айш қилаётган маҳбубимга етказ.

Оғзим аччиқ (ёки баҳтим қора), ичаётган бодам заҳар, қон йиғлаётганимни лаъли лаби ширин, сўзлари гўзал ва ранг-баранг, ўзига бино қўйган шўхи жононимга айт.

Ҳижрон шоми ҳаётингни нега қоронги қилди деб мендан сўрама, буни тонги йўқ шомимга айтгин.

Паридай ул гўзал маҳбуба фироқида ор-номусдан айрилганимни ҳижрон водисида оввора кўнтил отлиғ бадномимга айт.

Эй башоратчи, менинг ишимнинг бошланишининг ўзи итоатсизлик, саркашлиқ (гуноҳ) эди, аммо охирида шамъи раҳмат – илоҳий файз нури етадими мента, шундан хабар бер.

Эй дўст, Навоийнинг гам ичида дилсиз орому қарори йўқ, бу аҳволимни агар кўрсанг, албатта, дилоромимга айт.

## Шарҳ ва изоҳлар

Ошиқона бу ғазалда севгувчи қалбнинг фигону ноласи акс этган. Ёр узоқда, у шодлик боданўшлиги, ҳаёт гаштини суриш нашидаси билан банд. Ошиқ эса ҳижрон азобини тортмоқда, у шу аҳволидан ёрини хабардор этмоқчи бўлади, бунинг учун тонг шамолига мурожаат этади.

Умуман тонг (субҳ) тамсили, тонгга мурожаат Шарқ шоирларида анъанавий усуllibардан ҳисобланиб келган. Бироқ Навоийда бу усул янги тасвирий воситалар билан намоён бўлган. Шоир ошиқ аҳволи ва маъшуқанинг бепарволигини ташбеҳлар силсиласи – қиёслаш йўли билан очиб беради. Айни вақтда бу ёр жамоли – васфини ҳам ўз ичига олган.

Ёрнинг юзи гулга, зулфи (ҳалқа сочи) хушбўй гиёҳ сунбулга, қадду қомати тик ўсадиган чиройли сарв дарахтига ўхшатилган. Ошиқ ҳижронда аламлар ютади, у ҳам бода ичади, аммо бу унинг учун заҳардай аччиқ, ҳар замон ёрнинг лаълдай қизил лаби. Яъни пурмаъно сўзларини қумсайди, шу ширин лаблардан ўпиб, роҳатлангиси келади. Мана шундай икки ҳолатни зид қўйиб тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этган. Олтинчи байт ўзига хос мазмунга эга: Навоий ошиқликни ўзига хос исён деб таърифлайди, яъни маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, рамс-руссумларга тўғри келмайди. Лекин охирида у Илоҳий тажаллий нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини кўришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унутилади..

Н.Комилов

## 98-Ғазал

Хүсни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг?  
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч ҳароб,  
Сув қуюб, тухм экдинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач?

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач,

Жонға қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,  
Үлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас, недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

<b>ашбарафшон</b> — анбар сочувчи, хушбўй ҳид таратувчи	ўлдирилган
(анбар — балиқ меъдасидан олинадиган юмшоқ мумга ўхшаш хушбўй модда)	шаҳид — қурбон бўлган, ўлган
<b>кишвар</b> — мамлакат, юрт	<b>урён</b> — яланғоч
<b>ҳулла</b> — янги либос	<b>ошкор</b> — намоён этиш, кўрсатиш
<b>хазин</b> — хазина эгаси, хазинабон	<b>нақди ишқ</b> — ишқ, ишқ ҳақиқати, ҳақиқий ишқ
<b>мақтул</b> — қатл этилган,	<b>ганж</b> — хазина, бойлик
	<b>афғон</b> — дод-фарёд, фигон

## **Насрий баён**

Юзida анбардай хүшбүй сочини ёйганда (маъшуқанинг) ҳусни яна ҳам ортади, у гүзалроқ бўлиб кўринади, зеро шамчироқнинг ипини кесиб, тозалаб ёйсалар, у яна ҳам равшанроқ ёнади.

(Эй ёр) юзингни гуллар билан безаб, бизни қурбон айладингми ёки бизни қурбон қилаётганингда қонимиз юзингга саҳрадими?

Кўнглим ҳаробу беҳол бўлганда тийғинг ва кипригинг келиб етти. Гўёки кўнгил мамлакатини вайрон этгач, сув қуийб янгидан уруғ эккандай сан.

Бу қон эмас, балки ишқ йўлида қатл бўлган шаҳидни ялангочлаб, жаннат ҳазиначиси ёпган гул рангли либосдир.

Яширин равишда кўнглим қўзини ҳайрон этгач (Ёр) юзини очиб, кўзимни ҳайрон қилди. (Ёки: юзини очиб кўзумни ҳайрон этгач, яширин равишда кўнглимни забт этди)

Ишқнинг нақди – баҳосини жонимга қўйгач, у кўнглимни ҳалок айлади, зотан, агар сultonнинг ишонган одами хиёнат қилиб, ҳазинани яширса (ўзлаштиурса), сulton албатта уни ўлдиради.

Эй Навоий, агар ишқ кўнглингни мажруҳ этмаган бўлса, унда нега оҳу нола, афғон чекканингда оғзингдан қон келади?

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Ғазал мақтаида ёр ҳусни таърифи, зулфини ёйганда яна ҳам чиройлироқ бўлиб кўриниши шамъ учини силкитиб тозалаганда равшанроқ шуълаланишига ўхшатилган. Бунда юз, зулф, анбар, шамъ тимсоллари воситасида гўзal юзнинг жилоси, порлаши тасвирланган.

Айни шу юз очилиши, перлаб нур таратиши кейинги байтларда давом эттирилган ва бунинг ошиқ қалбига

тасири муносиб бадиий образлар қиёси орқали хушоҳант бир тарзда гавдалантирилган. Чунончи, қизил гул ва қон, камон ўқининг учи ва сув, қон ва гулранг либос, ишқ ва ганж ташбеҳларининг мутаносиб рангларидан устакорона фойдаланган. Натижада моҳир рассомнинг ранг тасвиридай мазмунан ҳазин бўлса-да, чуқур орифона маъноси билан кишини ром этувчи лавҳа ҳосил бўлган. Умуман, ранглар, ташбеҳлар қиёсидан санъаткорона фойдаланиш Навоийнинг севган усулларидан. Ушбу газалда эса Ёр жамолининг порлаб кўриниши ва ошиқ кўнглиниң бундан изтироби, садоқати тасвиrlанган. Ошиқ ишқ йўлида қурбон бўлса ҳам мақсадидан қайтмайди, ахир ишқ йўлида шаҳид бўлганлар Аллоҳнинг марҳаматига нойил бўлиб. жаннатнинг гулгун либосини киядилар. Бу байтда ажойиб бир ишора бор: Ҳақ йўлида шаҳид бўлганлар, дейилади ислом манбаларида, кафан қилинмасдан ўз кийимлари билан кўмилиши лозим. Аммо нариги дунёда уларга жаннат гулидан тикилган ҳулла – гулгун ҳарир либос ҳадя этилади. Демак, Навоий наздида чин ошиқнинг мартабаси ниҳоятда улуғ.

Ушбу газал байтларида орифона маънолар ҳам бор. Аммо биз бунга бу ерда тўхтамадик, чунки Навоийнинг поэтик дунёси, бадиий хаётоти бу газалда қўпроқ дунёвийдир.

Н.Комилов

Нега күргүзди совуғ оху сарығ рухсор субҳ,  
Гар ниҳоний меҳрдин мендек эмас бемор субҳ?

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,  
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра Мажнунвор субҳ?

Меҳрдин мендек ниҳоний тоза доги бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашқин қилур изҳор субҳ?

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момукъ,  
Тоза догидин эрур мендек магар хунбор субҳ?

Фам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,  
Ким анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Кун шуоий хатлари эрмаски тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

Соқиё, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин.  
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлгуси бисёр субҳ.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лұғат

**анжум** — юлдузлар.

**баргу наво** — ҳосил ва шодлик, шод турмуш.

**бода** — май, шароб.

**гунбади даввор** — айланувчи гумбаз; фалак.

**дайр** — бутхона; мажозан: майхона.

**кавқаб** — юлдуз.  
**рокиъ** — руку қилувчи,  
икки букилувчи.  
**сабұхий (бода)** — тонг  
пайтидаги ичкилик.

**хұнбор** — қонли ёш  
ёғдирувчи, аччик йиғловчи.

**шарор** — учқун; алантан;  
тобланыш.  
**шингарфий** — қизғиши,  
қызыл тусли.  
**шуойй** — шуъла, ёруғлик.  
**ҳавойи** — беқарор,  
үйинқароқ.

## Насрий баён

Тонг ўз қүёшининг яшириңгандыгыдан мен каби бемор бўлмаса, нега бундай совуқ оху сариф рухсор билан намоён бўлмоқда.

Агар мен телбадек беқарор бўлмаса, бас, нима учун субҳ тог узра Мажнун каби қўксини чок-чок қиласди?

Қуёш ишқида меникидек, яширин изтироби, алами бўлмаса, тонг нима учун ўзини бу сифат намойиш қиласди, яъни юлдузлардан кўз ёш кўрсатади.

Буларни қизил булат деб ўйлама, улар ҳар ённи тўлдирган қонли пахталардир, тонг жуда қаттиқ изтиробдан мен каби йиғлаган ва қон ёшларини момук — пахтага артиб ташлаган.

Фам тунида мен чеккан «оҳ» оловидан кўкка ўт чирмашди. Унинг номини эса айланувчи гумбазнинг (фалакнинг) тонги, деб атабдилар.

Қуёшдан тараалаётган шуълали чизиқлар — нурлар эмас, балки менинг мотамимни туттан тонг юзини юлдузлари тирноги билан жароҳатлаган, яралаган.

Эй соқий, тонг маҳали ичилувчи май — сабұхий бодадан куй, бу майхона (дунё)дан биз кетсак ҳам, субҳнинг бу қисмати кўп тақрорланаверади.

Эй Навоий, бу боғ ичра ҳосил ва шодлик (шод турмуш) кўришни истасанг, кечалари тулдек рукуъда, тонглари булбул каби бедор бўл!

## Шарҳ ва изоҳлар

Ёридан нишона топиш, уни ўз ҳолидан огоҳ этиш, аниқ мақсад йўлига ўтиш, ёр малҳини битиш, вассфини кўйлаш, ҳаётини ёрга сарфлаш мақсалида асраш сингари тушунчалар сингтан талай газаллар, байтлар орасида тонг. яъни субҳ, қўёш каби тимсоллар эътиборни тортади.

Табиат қўнгил кўзгуси сифатида намоён бўлган Навоий шеъриятида тонг манзараси тасвири алоҳида мазмун касб этган. «Хазойин ул-маоний» куллиётида айнан тонг тасвирига багишланган бир қанча газалларни учратиш мумкин. «Субҳ» радифли тўртта, «сабуҳ» радифли битта ғазал шулар жумласидандир.

Тонг – файз манбай, у ҳамиша уйғоқ рӯҳни, бедор юракни талаб ва тарғиб қиласди. Сўфийлар тили билан айтганда, тонг – «субҳ – илоҳиёт тажаллисининг зуҳури бўлиб, у ғайб оламидан нозил бўлади; таайюнот (борлик, дунёда бор нарсалар) зулматларини ошиқнинг дил саҳифасидан сидириб ташлайди»<sup>1</sup>. Навоийнинг ўзи бир газалида ёзади: «Субҳидам бедору гирён бўл агар файз истасанг...»<sup>2</sup>.

Навоий ғазалларидаги табиат қўнгил кўзгуси сифатида намоён бўлади. Агар ошиқ қўнгли гаму ҳасрат қўйнида бўлса, субҳидам ҳам гўзал bogу бўстонлар, гулзор ҳам унинг қайғуснга монанд бўлиб кўринаверади, юраги қувончга тўлган фараҳли дамларда эсл у шом қоронғусидан ҳам, ҳазонзор боғлар бағридан ҳам ўз қувончига шерик топа олади. Манзаралар гасвири, унинг ифодаси шоирнинг ижодий ниятига мувофиқ эврилади. Мазкур газалда ошиқ юрагидаги ҳижроннинг чукур изтироблари, қийноқлари тонг манзараси билан шу қадар ўринли ва гўзал қиёсларда уйғунлаштирилганки, ғазалини ўқиётган китобхоннинг кўз ўнгидаги ҳижрондан азобланиб, висол иштиёқида ўртанаётган ошиқ ўзини тонг – субҳидам билан бирга, ёнма-ён намойиш қиласди. Бу ғазалдаги тасвири шунчаки табиатнинг ёхуд

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С.160..

<sup>2</sup> Алишер Навоий. МАГ. 4 -жилд. – Тошкент: Фан, 1989. – С.80.

тонгнинг тасвири эмас, балки катта бир инсоний дарднинг, изтиробнинг маҳсули.

Нега кўргузди совуғ оҳу сариф рухсор субҳ,  
Гар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ.

Яъни: «Тонг «меҳр»и – қуёшининг яширганлигидан мен каби бемор бўлмаса, нега бундай «совуқ оҳу» сариф рухсор билан намоён бўлмоқда», – дейди, ошиқ. Тонг ота бошлаган чоғда ҳали қуёш кўринмасдан илгари уфқ дастлаб сариқ рангда намоён бўлади. Бу сарифлик эндиғина кўтарилиб улгурган тун пардаси ортида беморнинг заъфарон (юзи) рангига ўхшаб қолади. Бу заъфаронликка этни жунжиктирувчи тонг шабадаси – «совуқ оҳ» қўшилиб, тасвирга баркамоллик бағишлайди. Зоҳиран ошиқ изтиробларини баён этаётган бу ғазал ботинида орифона (тасаввуфий) мазмун ҳам ифодаланганини инкор қилиб бўлмайди.

Байтнинг орифона мазмунини сўфиёна истилоҳга айланган тушунчаларни ўрганиш орқали англаш мумкин: оҳ деб, аввал айтиб ўтганимиздек, ишқнинг камолга етганлик аломати ва нишонасига айтиладики, унинг шарҳини баён этишга тил ожиздир; рухсор – зот ҳусни ва жамоли тажаллиётининг кўринадиган ўрнини ифодалайди. Байтнинг орифона мазмуни шундай: «Ҳақ жамоли ошиқдан ниҳон – яширган, унинг васлига этишиш жуда мушкул, унинг ҳажридаги ошиқ – бемор. Ҳақ жамоли нурининг зуҳури уфқда (кунчиқишида) намоён бўлмоқда. У ошиқ кўнглидаги зулматларни сидириб ташлаш учун намоён бўлган. Буни ошиқ билади ва шунинг учун ҳам субҳ – тонгга юз ўтиради».

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиг, бас недур,  
Кўнглагин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ.

Тонг отишининг энг гўзal, энг таъсиrчан, шоирона тасвири бор бу байтда. Тонгнинг тoғлар устидан бошланиши (қуёш тoғлар ортидан кўринмоқда) – тун пардасининг йиртилиши (тоғ чўққилари қиррасида) кўксини чок-чок қилган бекарор Мажнунга қиёсланади. Талмex санъатининг гўзal намунаси деб баҳолаш мумкин бўлган байтнинг ботиний мазмуни шундай: «Ҳaқ висоли йўлида турган ошиқ бекарор, яъни ҳавойи. Бир дамнинг ўзида у минг хил хаёлларга боради ва минг бор азобланиб, минг бор завқтанади, чунки бир томондан, у ҳали моддий дунёning қувончу ташвишларидан воз кечиб кетолмаган. Ҳaққa етмоқ учун эса бу дунёning бутун лаzzатларидан воз кечмоқ, фақат унинг – Аллоҳнинг ёди билан яшамоқ керак. Шунинг учун ҳам бу йўлда турган ошиқ руҳи шундай бир талотум ичida қолганки, у тoғлар устига чиқиб Мажнун каби кўйлагини (аслида, кўксини) чок этали.

Мехридин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,  
Юзда невчун кавқаби ашқин қитур изҳор субҳ.

Ушбу ва аввалги байтларда тонг жонлантирилиб, унга одам хусусиятлари сингдирилган. Осмон – кўз, юлдузлар – кўз ёшлари. Киши йиглаганди, юзга кўз ёшлари ёйилиб кетади. ёхуд артиб ташланади, аниқроғи, йўқолади. Тонг отиши билан юлдузларнинг милтиллаб кўриниши ва астасекин кўздан фойиб бўлиши шу усуlda жонлантирилган. Байтнинг мазмуни: «Қуёш ишқида меникидек, яширин изтироби, алами бўлмаса, тонг нима учун ўзини бу сифат намойиш қилади, яъни юлдузлардан кўз ёш кўрсатади».

Ушбу байдаги тоза доғ ифодаси жуда қаттиқ изтироб, алам маъноларини англатиб, бу изтироб, аламнинг ишқ туфайли эканлиги кейинги байтда янада ойдинлашади:

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момук,  
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.

Тонг отишидан олдин, агар осмонда булут бўлса, у уфқ ортида ҳали кўриниб улгурмаган Қўёшнинг нурлари таъсирида қизил рангга кириб кўринади. Байтда ана шу манзарага мурожаат қиласр экан: «Буларни қизил булутлар деб ўйлама, тонг жуда қаттиқ изтиробдан мен каби йиглаган ва қон ёшларини момуққа артиб ташлаган». дейди шоир.

Байтнинг орифона мазмунини аниқлашдан олдин, суфийларнинг «Юрак йиглагандага, кўз ёшлари қонга айланади»<sup>1</sup>, деган фикрини эслаш ўринли. Байтдаги булут (абр) ҳижоб маъносида келган, аниқроғи, булут деб, «дилнинг нафсоний ҳаракатлар зулмати ва руҳоният мулклари орасидаги ҳижобга айтилади...»<sup>2</sup>. Демак, ошиқ Ҳақ васлига юракдан йиглаб интилади. Унинг қўзларидан ёш эмас, қон оқади. Бу қон ёшлар ошиқ билан Ҳақ ўртасидаги ҳижобни қонга бўяйди. Ёр висолига эришиш нақадар мушкул эканлитини англаған ошиқ давом этади:

Фам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт  
Ким, анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Байтнинг зоҳирий мазмуни: «Фам тунида мен чеккан «оҳ» оловидан кўкка ўт чирмашди. Унинг номини эса айланувчи гумбазнинг (фалакнинг) тонги, деб атабдилар. аслида эса бу тонг менинг «оҳ»ларим маҳсули.»

Байтнинг орифона мазмуни эса тубандагича: «Фам тунида ошиқ ёр (Ҳақ) жамолининг нуридан бебаҳра бўлса-да, унинг ишқи сўнмайди, аксинча, бу ишқ камолотга эришиб, авжга чиқиб бораверадики, у Ҳақдан ўзга ҳамма нарсани унутади, тили бирор каломга келмайди, фақат ўтли «оҳ» тортади ва илоҳиёт тажаллисининг зуҳурига яқинлашиб бораверади».

Кун шуойи хатлари эрмаски, тутмиш мотамим  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

<sup>1</sup> Нур-ат- улум. Қарант: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С.259.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965 – С.127.

Байтнинг зоҳирий мазмуни: «Қуёшдан тараплаётган шуъаличи чизиклар – нурлар эмас, балки менинг мотамимини тутган тонг юзини юлдузлари тирноғи билан жароҳатлаган, яралаган». Бу байт олдинги байтларни ҳам мазмунан, ҳам шаклан тўлдириб давом эттириб келади. Умуман эътибор қилинса, ҳар бир байтда субҳочигининг янги-янги қирралари очиб борилади ва тонгнинг алоҳида-алоҳида мустақил манзараси тасвири яратилади.

Байтнинг орифона мазмуни: «Ошиқ бу дунёниг қувончу ташвишларидан бутунлай ажrala олмаганлиги сабабли ҳам Илоҳ жамолига етиши анча қийин ва оғир. Ҳижронда эса яшаб бўлмайди».

Асар охирига етиб борар экан, ошиқнинг нияти янада ойдинлашади:

Соқиё. тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,  
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлғуси бисёр субҳ.

Суфийлар соқийни шундай изоҳлайдилар: «Файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қылғандир»<sup>1</sup>. Бадиий матнда соқий бир неча маънода келиши мумкин: Илоҳиёт нури ва ёхуд Илоҳнинг ўзи: Муҳаммад пайғамбар с.а.в.; пири муршид (комил инсон), гўзал маъшуқа ёки маъшуқа. Ушбу байтда ошиқ илоҳиёт нурига мурожаат қиласар экан, ундан сабуҳий бода сўрайди, зеро, унинг қалбидаги зулматларни соқий узатган сабуҳий бода (соғ май)гина тозалай олиши ва оқибатда ошиқ кўнглигининг ёришиши, фараҳ топиши ва унинг бу дайрдан воз кечиб кета олишини осонлаштириш мумкин. Тонг эса у кетгандан кейин ҳам ҳали кўп бор ўзини намоён қилаверади:

Эй, Навоий, истасанг баргу наво бу бог аро.  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 259.

Гулнинг тундаги, булбулнинг тонгдаги ақволини ташбек сифатида қўллаган Навоий мақтаъда ўз фикрларини якунлар экан, камолотни, унга эришишни тарғиб қиласди. У ўзига мурожаат орқали комилликка эришиш учун тунлари саждада, ҳақ ёди билан яшашни, тонглар эса бедор бўлишни таъкидлайди, зеро, тонг файз манбаиким, ундан баҳрамандлик кўнгилни поклайди, унга фараҳ бағишлайди, деган фикрлар англашилади бу байт ботинида.

Бир қарашда бошдан-охир тонг тасвирига бағишланган мазкур газал ошиқнинг бутун дарду ҳасратини, гуссаю изтиробини ўз багрига сингдириб юборган. Газалдаги ошиқ – висол талабгори. Инсонга хос ишқий кечинмалар орқали Ҳақ васлига етишиш йўлидаги чуқур изтироблар, зиддиятлар, моддий дунёнинг қувончу ташвишларидан воз кечиб кета олишнинг нақадар оғирлиги, ўзликни англаш, ана шу англанган ўзликданда кечиш азоблари ва комилликка эришиш йўлларини излаш оқибатида руҳиятда юз берган талотумлар ушбу fazалда ўзининг шеърий ифодасини топган.

К.Муллахўжаева

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ,  
Не күнгүл хушлук била тортай мени маҳзун қадаҳ.

Ё мени маҳрумға хунобайи ҳижрон беріб,  
Үзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадаҳ.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға  
Тутмас әрмиш захри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.

Соқиё, бу ғусса дафъи масту бехудлуғдуур,  
Тут шафақгүн май тұла гар худ әрүр гардун қадаҳ.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадаҳни солмағил,  
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.

Жом эрүр мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,  
Лолалар саҳрова бас, гар истаса Мажнун қадаҳ.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,  
Зарғ ҳоҳ эски сағол ўлсун, вагар олтун қадаҳ.

Юз қадаҳ қылғил мұрассаъким чекарсен жоми марғ,  
Ҳеч ким худ топмади Жамшилдин афзун қадаҳ.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни  
Ичса жоми Жам тиляб сонийи Афридун қадаҳ.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лугат

маҳзун – қайгули, хафа  
хуноба – қонли ёш  
гулгун – қизил  
дахри дун – разил, пасткаш  
дунё  
соқий – май қуювчи  
шафакүн – шафақ рангли  
худ – ўз  
гардун – фалак. осмон  
хилол – янги чиққан ой  
фано – йўқзик  
дайр – бутхона, ибодатхона,  
майхона

бода – май  
пири дайр – майхона пири,  
бу ўринда пири  
муршид, яъни устоз  
зарф – идиш  
сафол – сопол идиш  
мурассаль – қимматбаҳо  
тошлар билан безалган  
марғ – ўлим  
афзун – афзал, ортиқ  
барқандон – чақмоқли  
соний – кейинги, иккинчи

## Насрий баён

Бог ва гул фасли, яъни баҳор кириб келди, лекин менинг  
гул юзли ёрим май ичмаяпти. Шундай экан, мен қандай  
қилиб хушнудлик билан қадаҳ кўтара оламан?

Ёки ёрим менга қонли ёшдан айрилиқ майини тутиб,  
ўзи ўзга дўстлари билан гулгун, яъни қизил рангли май  
ичади.

Барчаси тақдирдан экан: мен ташналаб бўлган бечорага  
бу пасташ дунё ҳам ғам заҳридан бошқа қадаҳ тутмас экан.

Эй соқий, энди бу қайгуни фақат маст бўлиб, ўзни  
унутиш кетказади, шундай экан, менга шафакдек қизил  
май тўла қадаҳ тут, агар у гардун – осмон сингари катта  
бўлса ҳам.

Рамазон ойи келмагунча қўлингдан қадаҳни қўймагин,  
шунингдек, байрам яқинлашгач, осмонда ҳилолни, яъни  
янги чиққан ойни кўрган тунингда ҳам хурсандлик билан  
қадаҳни қўлингга ол.

Мен телбага қонли кўзимнинг косаси жом, яъни  
қадаҳdir ва агар Мажнун ҳам қадаҳда май ичишни истаса,  
саҳродаги лолалар унга қадаҳ бўла олади.

Фано майхонасига кирдим, эй соқий, менга май

тўлдириб қадаҳ тут, идишнинг олтин ёки эски сопол эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Юзта қимматбаҳо тошлар билан безатилган қадаҳ ясасанг ҳам, охир-оқибат ўлим майдан қутула олмайсан. Ҳеч ким Жамшиднинг жомидан афзалроқ қадаҳ тополгани йўқ.

Эй Навоий, чақмоқ чаққан кунда иккинчи Афридун Жамшид майнин ичган пайтида бизни эслармикан?

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Қадаҳ” радифли ушбу ғазали тасаввуфий мавзуда бўлиб, унда соликнинг руҳоний юксалиш жарёнидаги ҳиссиётларни, нафсни енгиб – ўзликдан воз кечиб, Ҳаққа эришиш йўлида босиб ўтиши зарур бўлган босқичлари ағънавий рамзий усул билан тасвирланади. Маълумки, тасаввуф фалсафасида қадаҳ – май қўйиладиган идиш соликнинг – Ҳаққа интилаётган инсон қалбининг тимсолидир.

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ,  
Не кўнгул хушлук била гортай мени маҳзун қадаҳ.

Ғазалнинг матлаъсида шоир ўзининг гулдек гўзал юзли ёрининг май ичиб, хурсандчилик қўлмаётганлигини маълум қиласр экан, гамгин оҳангда айтадики, у бу ҳолатда қандай қилиб бир ўзи қадаҳ кўтариши мумкин? Мазкур тасвир рамзий маънога эга бўлиб, мавзунинг тасаввуфона эканлигидан келиб чиқсак, назарда тутилаётган ёрни “миръоти Ҳақ”, яъни Ҳақнинг кўзгуси бўлган, Унинг нурини ўзида акс эттирган инсон сифатида тушуниш мумкин. Май ичиш, деганда дабдурустдан ошиқ билан ёрнинг ҳамсуҳбат бўлишни тасаввур қилинади. Ваҳоланки, бу ерда илоҳий ҳақиқатдан баҳрамандлик кўзда тутилади.

Матлаъда қўлланган тавзев санъати (бир хил товушлар тақрори: равзаву, гул, еттию, ул, гулгун; хушлук, маҳзун сўзларидағи у товуши) ҳамда ёрга нисбатан ой сўзининг

истиора қилиб олинганлиги ифоданинг бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Ё мени маҳрумга хунобайи ҳижрон бериб,  
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадаҳ.

Иккинчи байтда ошиқ шундай гўзал фасл – кўкламда ёри нима учун май ичмаётганлигини, яъни унга ўз суҳбатинираво кўрмаётганлиги сабабини аниқлашга ҳаракат қиласди ва ёр ўз ошигини унуганлигига боис бошқа дўстлар билан бирга эканлигидадир, деган холосага келади. Бу ерда шўрлик ошиқ хунобайи ҳижрон – қонли ёшдан айрилиқ майнини ичиб ғам чекмоқда.

Мазкур байтда товушларнинг ўзаро уйгун такрори етакчилик қилиб (маҳрум, хуноба, ҳижрон; маҳрам, қадаҳ сўзларидағи ҳ ва ҳ товушларининг кетма-кет келиши) ҳамда маҳрум – маҳрам сўзларининг биринчи мисрада уч ҳижодан, иккинчи мисрада икки ҳижодан сўнг, яъни деярли бир ўринда қўлланилиши таъсирчан лирик оҳангни ҳосил қилмоқда.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға  
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.

Учинчи байтга келиб, ошиқ тақдирга тан беради: ёрнинг унга илтифот кўрсатмаслиги – тақдирдан. Ахир, бу дунёning эгри бўлгандан кейин, ундан қандай қилиб заҳардан бошқасини кутиш мумкин?

Айни тасвир дунё ташвишларининг ўта бемаъни эканлигини англаб, ўзини Ҳақ йўлига бағишлиш учун тайёр турган инсон қиёфасини, унинг ички дунёсидаги алам ва оғриқни акс эттирмоқда. Кейинги байт бу фикрни тасдиқлайди:

Соқиё, бу фусса дафъи маству бехудлуғдуур.  
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадаҳ.

Ёрдан жабр күрган ошиқ майхона сари йўл олди, у ерда май қуиб ўтирган соқийга қайгусини май кетказишини айтиб, шафақдек қизил майни осмондек улкан қадаҳга сузиб беришини сўраяпти.

Тасаввуфда соқий пири муршид тимсоли эканлигини ҳисобга олсак, байтнинг ботиний, ички маъноси ойдинлашади: дунё ташвишларидан, фам-қайгуран ҳориган, ўзини англашни истаётган инсон сулукка – Ҳақ йўлига кирмоқчи. Бунинг учун ўзини руҳан поклаши, ўзи ҳақида тафаккур этиши, нафс қутқуларидан халос бўлиши лозим. Унга шафақсимон қизил осмондек қадаҳга қуйилган май ёрдам беради.

Байтда таносиб санъати устуворлик қилиб, май, қадаҳ, соқий ҳамда маст бўлиш тушунчалари бир-бирини тақозо этиб келмоқда.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадаҳни солмагил,  
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.

Рамазон мусулмонларнинг интиқиб кутадиган, байрамона ўтказадиган, рўза тутиладиган, мўминлар учун Аллоҳга ўзини яна ҳам яқинроқ ҳис этиш имконини берадиган қадрли ойдир. Бу ойда ҳамма ёмон ишлардан, гуноҳлардан тийилади, инсонлар ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман поклашга интилади. Шоир шунга ишора қилиб, Рамазон ойи келмагунча май ичавер, дейди ўзига ўзи. Бу ўринда май ва майхўрлик сўзининг зоҳирий маъносини эл қандай тушунишига ишора қиласди, аслида эса байрам ҳилоли – Рамазоннинг илк тунидан яна қадаҳни кўлга олиш зарурлигини айтар экан, рўза ибодат ва хайрли ишлар ойи эканлигини англатади.

Шоир айни пайтда рўза ва байрам ҳилоли тушунчаларини келтириш орқали ишқнинг солик учун бебаҳо бойлик, абадий байрам эканлигига ургу қаратади, айниқса, иккинчи мисрада биргина ол сўзини икки хил маънода тушунишга олиб келувчи ифода мавжуд: “Лек ол байрам ҳилоли ҳам

күрүнгән тун қадаң”. Бу ўринда ол сүзини ҳам ранг (янги ойнинг қизил бўлиши), ҳам қадаҳни қўлга олиш маъносида тушуниш мумкин, яъни Алишер Навоий мазкур мисрада ийҳом санъатини қўллади.

Жом эрур мен телбага қонлиф кўзумнинг косаси,  
Лолалар сахрода бас, гар истаса Мажнун қадаң.

Шоир ўзини телба деб атар экан, ўз қўзини ўзи учун май қуйса бўладиган қонли коса сифатида хизмат қилиш мумкинлигини таъкидлайди. Иккинчи мисрада сахродаги лолалар истиораси билан ўз юзи ва кўзини назарда тутади. Яъни юзи сарғайиб, сахрога айланган, икки қонли кўзи эса Мажнун май ичаман, деса қадаң бўла олади. Демак, биринчи мисрадаги тасвир бежиз бўлмай, иккала мисра ҳам байтнинг моҳиятини англашда ўта муҳим ўрин тутади.

Мазкур байтда кўзни қонли косага ўхшатиш (ташбеҳ), Мажнун образининг киритилиши (талмех) унга бекиёс поэтик жозиба баҳш этган.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,  
Зарф ҳоҳ эски сафол ўлсун, вагар олтун қадаң.

Фано майхонаси дейилганда шоир ўзликни унутиш йўлига, яъни Ҳақ йўлига кирган соликнинг устоздан нафсни енгиш йўллари ҳақида сабоқ оладиган масканни, яъни пир даргоҳини назарда тутар экан, муршииддан май қуйиб беришини илтимос қилмоқда. Тўртинчи мисрада ҳам ошиқнинг соқийдан май сўраганлигини кўрган эдик, ушбу байтнинг фарқи шуки, солик учун дунёнинг ҳеч қандай қадри қолмаганлиги унга май қуйиб бериладиган идишнинг олтин ёки сополлигининг аҳамияти йўқ эканлигини айтиш билан кўзга ташланади.

Юз қадаң қилғил мурассаъким чекарсен жоми марғ,  
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаң.

Шоир бу байтда “мурассасъ қадаҳ” – қимматбаҳо тошлар билан безалған қадаҳ тимсоли орқали дунё ҳашаматининг боқий эмаслигини, иккинчи байтда “Жоми Жамшид”, яни бутун дунёни кўрсатадиган жомнинг афзалигини таъкидлайди. Мусулмон Шарқида жоми Жамшид орқали дунёнинг исталган нуқтасини кўриш мумкин, деган ривоятлар мавжуд. Тасаввуфда эса жоми Жамшид маърифатга эришган ориф инсон қалбининг тимсолидир. Чунки унга дунёда пинҳон бўлган бирор сир қолмайди, натижада орифлик мақомидаги солик яшашнинг, умрнинг моҳиятини англаб етади. Шу боисдан, Алишер Навоий маърифатнинг юксак мақоми дунё ташвишларидан юқори эканлигини алоҳида уқтирап экан, байтда жоми Жамшидни устоз – пири комилнинг ориф қалби тимсоли сифатида тасвирламоқда. Шунингдек, жоми Жамшиддаги майнинг тугамаслиги Аллоҳа бўлган ишқнинг абадийлигига ишорадир, деб ҳам айтиш мумкин.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни  
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадаҳ.

Навоий ўзига ўзи мурожаат қилиб, сонийи Афридун – иккинчи Афридун барқандон куни жоми Жамшиддан май ичаётганда бизни ёдга олармикан, деб орзуманд бўлмоқда.

Тасаввуфда Расули акрам (с.а.в.) умматларини шафоат қилиб, гуноҳларини Аллоҳдан сўраб олгани каби пири муршиллар – устозлар шогирдларининг гуноҳларини сўраб оладилар, деган эътиқод мавжуд. Алишер Навоий мақтаъда бир мурид сифатида қиёмат куни – олов ёнган барқандон куни устози Ҳақнинг марҳаматига сазовор бўлганда шогирдини эслалидан умидвор бўлмоқда. Бу ўринда шоирнинг устози, пири Абдураҳмон Жомий назарда тутиляпти дейишга бир неча асослар мавжуд, аввало, газалда сулукка кирган соликнинг ҳолати, унинг устозга мурожаати баён этилганлиги ва жом сўзининг унумли қўлланганлиги гап Абдураҳмон Жомий ҳақида бормоқда, дейишга асос беради.

Эътибор берилса, газалда ички, жуда нозик сюжет мавжуд: ошиқнинг ўз маъниугидан жабр кўриши (1–2 байтлар), тақдирдан шикоят ва устознинг ҳузурига бориши, ишқнинг моҳиятини англаб, ўзини мутлақо Ҳақ йўлига бағишланни (3–9 байтлар)ни кўрамиз.

Умуман олганда, газал буюк шоирнинг бошқа газаллари каби юксак бадиият билан сугорилган бўлиб, унинг фалсафий моҳияти бу бадиият билан уйғунлашган ҳолда газалхонга кўтаринки завқни, теран мушиҳадаларни ҳадя этади.

Д.Юсупова

Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийрухсор шўх,  
Лек эрур сарви парийрўюм менинг бисёр шўх.

Гар менинг шўхи ситамкорим парийзод ўлмаса,  
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиф ул миқдор шўх.

Турмаса қон бу кечада кўксум шикофидин не тонг  
Ким, эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.

Ваҳ, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким. дилбарим  
Бовужуди хусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонга еткурган кўнгулга юз бало.  
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.

Шўхлардин туз қадам кўймоқ чу келмас, воқиф ўл  
Ким, ситамгар чобукедур чархи қажрафтор шўх.

Гар десангким жонга етмай ҳар замон бир жаврдин,  
Эй Навоий, панд эшиит, ёр истама бисёр шўх.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

тонг эмас	ажаб эмас	шикоф	дарз, ёриқ
парирухсор, париўй	пари	чобук	чаққон, эпчилик
юзли		моҳир	
бисёр	кўп	туз	тўғри
ситамкор	жабр-зулм	чархи қажрафтор	тескари айланувчи фалак
қилувчи			

## **Насрий баён**

Сарвқадли париухсор ёрларнинг шўх бўлиши ажабланарли эмас, лекин менинг париюзли ёrim ҳаммадан шўҳроқдир.

Менинг ситамкор шўх ёrim парилар авлодидан бўлса керак, чунки инсон фарзандининг бунчалик шўх бўлиши мумкин эмас.

Бу кеча кўксимдаги дарз, яъни ёриқдан оқсан қон тўхтамаса, ажабланманг, чунки кўнглимнинг ичига шўх ва айёр ёrim чакқонлик билан кириб олган.

Ҳар лаҳза бетоқатлигимга ҳайрон бўлманг, чунки вужуди гўзал бўлган ёrim ҳам ширин, ҳам шўҳдир.

Жонга эришган кўнгилга юз бало келади, шукурки, менга дилдорларнинг шўхи насиб бўлди.

Шўҳлардан тўгри қадам кўйиш, тўгри иш қилишларини кутиш ақлдан эмас. чунки ситамгар чарх – дунёнинг ўзи эгри юрувчиdir.

Эй Навоий, агар ёрнинг жабридан жоним омон қолсин, десанг, насиҳатни қулогингга ол: ўта шўх ёрга кўнгил боелама.

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Алишер Навоийнинг “Шўх” радифли ғазали мавзу жиҳатдан ишқий йўналишида бўлиб, ўзида ёрнинг таърифтавсифини ифода этади. Унда тасаввуфий истилоҳлар, ботиний чукур маънолар кўзга ташланмайди ва бу ғазалда инсоннинг инсонга бўлган мажозий ишқи тараннум этилганлигини билдиради.

Учинчибайтнинг поэтик таъсирчанлигини оширган омиллардан бири муболага санъатидир. Байтда ифодаланаётган шўх ва чаққон ёрнинг ёр кўксини ёриб кириб олганлиги ва бу ёриқдан энди ошиқнинг юрагидан қон оқиши муболага ҳисобланади.

Алишер Навоий ушбу байтда мумтоз адабиётдаги

анъянавий тасвир – фалакнинг кажрафтор, яъни тескари айланувчанлигини дилраболарнинг бевафо ва ситамкор эканлиги билан боғламоқда.

Шоир мақтаъда зоҳиран қараганда шўх ёрга кўнгил боғлама, деб уқтираётгна бўлса-да, шўх ёрининг васлидан мамнун эканлиги енгил ҳазил орқали ифодаламоқда.

Ғазал учун аruz тизимининг туркона ва хушоҳанг рамали мусаммани маҳзуф вазннинг танланиши шоир баён этмоқчи бўлган фикр ифодасига ниҳоятда мос келади.

Умуман олганда, ғазал инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини ўзида акс эттиради ва бу орқали шоир поқиза ишқнинг ҳаётбахш кучини эътироф этиб, севги инсон қалбига ором бағишлишини, баҳт ҳисларини туйишига сабаб бўлишини таъкидламоқда.

Д.Юсупова

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,  
Баҳр мавжи йўқки, ашким селининг қўлекидур.

Суда эрмас меҳр акси, балки дарё жонига  
Солған ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.

Хас эмас гирдоб ароким, бошинга эврулгали,  
Су уза саргашта ошиқ жисмининг хошокидур.

Ваҳки, ул кишида дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт  
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Ул балиғ тутқанда солиб шасту аниңг рашкидин.  
Судин айрилған балиғ янглиғ кўнгул топокидур.

Кўрма факр аҳли сиришқи баҳрида ҳар ён ҳубоб  
Ким, фано кавкаблари, балким бало афлокидур.

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,  
Кема оғзи гўйиё ишқида кўксум чокидур.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Лұғат

<b>афлок</b> — фалаклар.	<b>оташнок</b> — ўтлек
<b>бебок</b> — қўрқмас, ҳайиқмас; бебош, ҳаёсиз.	куйдирувчи, иссиқ.
<b>кавкаб</b> — юлдуз.	<b>сиришқ</b> — кўз ёши.
<b>киши</b> — кема.	<b>топок</b> — типирчилаш, безовталаниш.
<b>қўлек</b> — тўлқин; қаттиқ шамол.	<b>шаст</b> — камон ўқи; қармоқ.

## **Насрий баён**

Денгизда сузиб бораётган кеманинг оғзи аслида менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксим, унинг мавжлари эса кўз ёшларим селидан кўтарилган тўлқинлардир.

Сув узра аксланаётган қүёш эмас, балки ишқ дастида хаста бўлган жонимнинг оташли оҳидан дарё жонига ўт тушган.

Денгиз гирдоби ичидаги қолиб айлананаётган хас эмас, балки сенинг бошингдан ўргилиб-айланмоқчи бўлган саргашта ошиқ – менинг хошокдек жисмимдир.

Кемачи ёр кемада сайр қилиб юрибди. У раҳмсиз, бепарво. Мен (ошиқ) учун эса ҳаёт йўқ. Одамларнинг уни – ёрни фалончининг бепарвоси, дейишлари бежиз эмас.

У (ёр) қармоқ ташлаб, балиқ тутганда, кўнглим рашкдан сувдан айрилган балиқ каби типирчилайди.

Фақр аҳли кўз ёш денгизининг ҳар тарафида ҳубоб – кўпик кўрдим деб хаёл қилма. улар фано юлдузлари, балки уларнинг ҳар бири бало осмонидир.

Эй Навоий, кеманинг ўқдек учи кўксим ичидаги ҳажр ўқи, дарёда сузиб бораётган кеманинг оғзи эса менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксимдир.

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Алишер Навоий девонларида бошдан-охир манзара ифодасига асосланган ғазаллар анчагина. Шулардан баҳр – денгиз ва у билан боғлиқ кема, ҳубоб, кемачи каби тимсоллар ҳам эътиборга лойиқ.

Кема, заврақ, киши, жунг атамалари билан номланган бу тимсол воситасида шоир бир неча ғазаллар яратган.

Ғазални мукаммал англаш учун унинг зоҳирий ва ботиний маъноларини баробар ўрганиш лозим. Шу мақсадда ғазалдаги айрим тимсол ва тушунчаларнинг суфиёна мазмунини аниқлаб оламиз. Кема сайри суфиёна талқинда касрат манзилидан (яъни: кўллик – ҳодисалар оламидан)

ўтиб, ваҳдат мақомига етишишдаги ҳолат-кечинмаларнинг ифодасини англатади. Денгиз, дарё тушунчалари эса илоҳий олам чексизлигига ишора; мавж — мутлақ борлиқнинг коинот мартабаларида пайдо бўлган тажаллилари; олам ва одам мутлақ вужуд — ваҳдат денгизининг мавжлари сифатида талқин этилади.

«Фаройиб ус-сигар» девонидаги мазкур газал асосида фикримизга ойдинлик киритиш мумкин:

Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур,  
Баҳр мавжи йўқки, ашким селининг қўлокидур.

«Дарёда сузиб бораётган кеманинг оғзи аслида менинг ишқ дастидан чок бўлган кўксим», — дер экан, ошиқ-шоир кеманинг тузилишига эътиборни қаратади. Умуман, нарса-ҳодисаларнинг шакл-шамойилига эътибор қилиш, уларнинг айни ҳолатини инкор этиб, уларга ранжу изтироб кўзлари билан назар солиб тасвирлаш ушбу ғазалда яққол кўзга ташланади. Ғазалнинг бир неча (1-, 2-, 3-, 5-) байтларида мана шундай усулни қўллаган шоир тафриъ санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Матлаънинг иккинчи мисрасида ҳам шу санъат қўлланилган бўлиб, уни шундай тушунтириш мумкин: «Бу денгиз мавжлари эмас, балки кўз ёшларим селидан денгизда тўлқинлар кўтарилди». Ишқ, висол талабгори бўлган толиб ишқининг шиддати, изтиробининг кучи мужассамлашган байтнинг орифона мазмунини шундай шарҳлаш мумкин: ёрни касрат манзилидан ваҳдат мақомига олиб ўтувчи восита (кема) ошиқнинг кўнглини яраламоқда. Чунки у ёрни ошиқдан узоққа олиб кетади. Ёр унга беэътибор, аниқроғи, ўз иши билан овора, яъни мақсади — ҳақиқий ёр васлига эришиш истаги билан банд ва ўша йўлга кириб кетган. Ёрига етолмаётган ошиқ учун баҳр мавжи, яъни Оллоҳнинг сифату мақомлари тажаллиётини намойиш қилаётган мавжлар — дунё ашёлари ошиқнинг кўз ёшлари тўлқинида ҳеч нарса эмас. Ошиқ учун бу олам — ёридан айрилиқда чеккан

изтироблари маҳсули, у борлиқни ана шу изтироблар орқали англайди ва ўзига хос тарзда идрок этади. Демак, ёр – Ҳақнинг ошиғи. У улуғ мақсад манзили сари интилаётган комил инсон. Унинг ошиғи (лирик қаҳрамон) эса Ҳақ васлининг талабгори. Бироқ у фақат ёр деб билгани комил инсон – муршид воситасидагина ўз мақсадига эришиши мумкин. Ушбу ғазалда инсоннинг инсонга бўлган ишқининг давоми инсоннинг Оллоҳга бўлган муҳаббати билан туташиб кетиш ҳодисасини ҳам кузатиш мумкин.

Иккинчи байтда денгиздаги гўзал бир манзара тасвирига дуч келамиз:

Сувда эрмас меҳр акси, балки дарё жонифа  
Солғон ўтлар хаста кўнглум оҳи оташнокилир.

Сувга қўёш акси тушига, у дарёни қизартириб кўрсатади (айниқса, кун чиқиши ва кун ботиш маҳали). Ошиқ-шоир бу манзаравий ҳодисани эсга солиб туриб, уни яна инкор этади ва бу ҳодисанинг сабабчиси қўёш эмас, балки унинг ўзи эканлигини англайди: «Ишқ дастидга хаста бўлган жонимнинг «оҳ»ларидан дарё жонига ўт тушган, шунинг учун у ёлқинланиб кўринмоқда», – дейди у. Мана шундай зоҳирий мазмун ифодалаган байтнинг орифона маъносини тушуниш учун, аввало, айрим сўзларнинг суфиёна талқинини эслаш ўринли. «Сувдан мурод - маърифат»<sup>1</sup>, - дейди Сайид Жаъфар Сажжодий. Сув – маърифат, илоҳий файз, вужуд, зот<sup>2</sup>, – дейилади бошқа бир ўринда. Қўёш – бирламчи манбадан нишона, илоҳий нур чашмасини англатса, оҳ – ишқ фулгуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзасидир. Орифона мазмунда, бирламчи манбадан нишонанинг (илоҳий нур чашмасининг) аксини (висолини) маърифат (фақат ақл, ўқиши, ўрганиш) орқали эмас, балки ишқининг авж лаҳзаларидагина англаш

<sup>1</sup> Сажжодий Сайид Жаъфар. Фарҳангги истилоҳот ва таъбиrotги прфони. – Техрон. 1370 Ҳижр. – С.1.

<sup>2</sup> Suleyman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul. 1995. – С.11.

мумкинлигига ишора бор. Зоро, ошиқ борлик – денгизни, унинг замирида англашилган чексиз илоҳий оламни ҳам фақат ишқ изтироблари орқали танийди.

Учинчи байтда шу денгиздаги янги бир манзаранинг ошиқ изтиробига уйгун ҳолатдаги тасвирига дуч келамиз:

Хас эмас гирдоб ароким бошингга эврулгали  
Сув уза саргашта ошиқ жисмининг хошокидур.

Денгиз гирдоби ичиди қолиб айтанаётган хас эмас, балки сенинг бошингдан ўргилиб-айланмоқчи бўлган саргашта ошиқнинг – менинг хошокдек жисимидир, деган мазмун англашилаётган байтга чуқурроқ назар ташласак, янги маъноларни илғаб олишимиз мумкин. Агар денгиз илоҳий оламнинг чексизлигини, ундаги сув маърифатни англатса, ошиқнинг хас янглиғ гирдоб ичига тушиб қолишига сабаб ошиқнинг ёр бошидан айланиб-ўргилиш истагида унга интилишлари экан, маърифат излаган ошиқ-солик ёрга, яъни пирга муҳтоҷ. Унга сира етолмаётган, руҳи истакларига мағлуб бўлган ошиқ-толибнинг ҳасдек вужуди гирдоб орасида – саргардонликда қолган.

Кейинги байт:

Ваҳки ул кишида дарёкаш, манга худ йўқ ҳаёт,  
Эл дегандинким, фалоннинг кофири бебокидур.

Байтнинг мазмуни: «Кемачи ёр кемада сайр қилиб юрибди. У раҳмсиз, бепарво. Ошиқ учун эса ҳаёт йўқ. Одамларнинг уни – ёрни фалончининг бепарвоси, дейишлари бежиз эмас», деган зоҳирий мазмун замирида ушбуларни англаш мумкин: «Ёр – илоҳий олам сирларини англаш бораётган комил инсон. У денгизда – илоҳий чексизлик олами узра кемада – касрат манзилидан ваҳдат мақоми сари ўтиб бормоқда, яъни фақатгина ана шу ягона мақсади билан овора, ўзга ишларга бепарво. Бу йўлдан хабардор одамлар шу йўлга кирганларнинг ўзга ишга

бепарво эканликларини таъкидлайдилар. Ошиққа эса бу беражмлик бўлиб кўринади, чунки у ўз йўлини топиш мақсадида хасга айланди, у пирга, пирнинг оламига яқинроқ бора олмас экан, чиндан ўлгани шу эмасми»?!

Ўз аҳволининг баёнини манзаралар ифодаси ёрдамида чуқурлаштириб борар экан, шоир денгизда рўй бериши мумкин бўлган янги-янги ҳодисаларга мурожаат қиласиди:

Ул балиг тутмоққа солиб шасту онинг рашкидин,  
Сувдин айрилгон балиг янглиғ кўнгул тобокидур.

Бу байтни шундай изоҳлаш мумкин: «У (ёр) қармоқ ташлаб, балиқ тутганда, ошиқнинг кўнгли қармоққа илинган балиқдай типирчилайди. Нега? Чунки ёр унга эътиборсиз, ўз истаги – балиқ тутиш билан овора». Аслида ошиқ ҳам хас каби бўлса-да шу дарёда-ку! Байтнинг ботиний маъносини билиш мақсадида балиқ тушунчасининг сўфиёна талқинига эътибор қиласиз. Балиқ – маърифат денгизига гарқ бўлган комил ориф<sup>1</sup> рамзи ҳисобланади. Демак, ғазалдаги ёр – илоҳий маърифат баҳридан баҳрамандлик истаб чиққан солик, у маърифат баҳрига гарқ бўлишдек комил орифлик талабгори. Эътибор берилса, ғазалдаги ошиққа толиблик вазифаси юклатилган эди, ёр тимсоли зиммасига эса ҳам маҳбублик, ҳам ошиқлик, ҳам толиблик вазифалари юклатилаётир. Демак, ошиқ ўзи талабгор бўлиб чиққан мақсадига етишгунича бир қанча руҳий-амалий босқичларни босиб ўтишдек машақкатли ишни бажариши лозим.

Навоийнинг кўпинча фалсафий қарашлари, умумлашма фикрлари баён этиладиган мақтаъдан олдинги байтда хаёлий манзаралар тасвири мужассамлашган, дейиш мумкин:

Кўрма факр аҳли сиришқи баҳрида ҳар ён ҳубоб  
Ким, фано кавкаблари, балким бало афлокидур.

<sup>1</sup> Сажжодий Сайид Жаъфар. Фарҳангни истилоҳот ва таъбиrotи ирфони. – Техрон. 1370 Ҳижр. – С.692.

Ушбу байтда фано юлдузлари, кўз ёш денгизи каби тасаввургагина мансуб истиоравий иборалар шоир ижодий ниятини ифодалашда муҳим ўринга эга. Байтнинг мазмуни: «Фақр аҳли, яъни бу дунёдан воз кечганлар ҳам ёр васлига етишиш йўлида кўз ёш тўкар экан, бу кўз ёшлирида ҳубоб — пуфакчаларни кўрмайсан». Чунки уларнинг қалби ҳар қандай ҳодисадан озод, фақат моҳиятга — Ҳақнинг ўзига етишиш истаги билан банд. Чунки фано кавкаблари — дунё ҳодисотлари — қувончу ташвишлари улар учун бало осмони бўлиб, уларни синовдан ўтказиб ултурган. Фикрни янада ойдинлаштириш учун байтни ҳубоб ва кавкаб тушунчаларига боғлаб тушунтирамиз: ҳубоб — пуфакчалар сув юзида ялтираб кўринади ва у юлдузга ўхшаб кетади. Лекин фақр аҳли ундан, унда ўз аҳволини намойиш этишдан воз кечган. Чунки, биринчидан, унга фақат моҳият муҳим бўлса, иккинчидан, бу мақомга етиб келгунича уни дунёнинг юлдузлари — ҳодисалар ўз синов осмонида имтиҳон этган. У моҳиятга етиш йўлида ҳодисалардан озод бўлиб ултурган.

Охирги байт:

Эй Навоий, кема тийри кўксум ичра ҳажр ўқи,  
Кема оғзи гўйиё ишқида кўксум чокилур.

Ошиқ аҳволига ҳамоҳангликни таъминловчи сўнгги байт — мақтаъда шоир кема мачтасининг устунини кўксидаги ҳижрон ўқига, кеманинг оғзини эса ишқдан яраланган кўксига ўхшатар экан, раддул-матлаъ санъатини қўллаб, ишқи истиробининг, азобларининг туганмас, чексиз ва бениҳоя машаққатли эканини яна бир бор эслатади.

К.Муллахўжаева

Хар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,  
Мавжлуг дарё киби ошуфта күнглум қўзгалур.

Йиглама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб  
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сариким эл кўз солур.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима  
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,  
Ваҳки, бориб телмуруб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлгали  
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким,  
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Фарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,  
Илтига чунким Навоий бода киштийсин олур.

— V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Шарҳ ва изоҳлар

Шеъриятда таассурот – тасаввурга, тасаввур эса таассуротга йўл очиб, доимо улар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ўз вақтида тасвирланмаган таассуротни тасаввур заминида тиклаш мумкин бўлганидек, тасаввурда сақланиб қолган таассуротдан асар яратиш учун бемалол фойдаланиш мумкин. Баъзан шоир илк таассуротдан эмас, унинг такоридан шеър яратадики, “Фаройиб ус-сигар” девонидаги:

Хар қачонким кемага ул ой сафар раҳтин солур,  
Мавжлуғ дарё кеби ошуфта қўнглум қўзгалур, —

байти билан бошланадиган газал бунинг бир мисолидир.

Илк мисерадаги ма’лумоттага қараганда, маъшуқанинг сув йўли билан сафарга жўнаши биринчи бора эмас — у кийим-кечакларини йигиштириб аввал ҳам кемага чиққан. Бу ҳодисадан ошиқнинг қўнглида дарё тўлқинига монанд шиддатли бир қўзғалиш бош кўтаради. Кўнгилдаги қўзғалиш, албатта, айрилиқ дарди, ҳижрон аламидир. Бу ҳол шўрлик ошиқни шу қадар йиғлатадики, унинг кўз ёшларидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмайдиган ўзга дарё юзага келади:

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб  
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Ёрнинг дарё ичра кетиши ошиқ дилини аламга чулғаган бўлса, кеманинг соҳилга чиқолмаслик хавфи унинг жонини ҳам ҳалқумига келтиради. Бу ҳолат энди телба шамол ҳаракатидан тўхтовсиз чайқаладиган дарёга қиёсланади.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима,  
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.

Ошуфта кўнгулнинг қўзғалиши, кўз ёшининг тинмай оқиши, юракнинг симобдай титраши — булар ошиқнинг ички аҳволини кўрсатувчи ҳаракат. Ошиқ — ҳаракат соҳиби. У ҳамма нарсага қарши турса ҳам, руҳ ва кўнгил ҳаракатига ҳеч монелик қилмайди. Шунинг учун кўнгилни сабр қўлига топширирган бўлса-да, бундан ҳеч натижа чиқмаслигини у жуда чиройли тарзда ифодалайди:

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,  
Ваҳки, бориб телмуриб, кўз муңграйиб, жоним қолур.

Күнгил ёрда. Ёр кемада. Бориб ёр жамолига термулгач кўзниңг мунграйиб, жоннинг жонон билан қолишини шеърхон ҳиссиёт билан хаёлдан ўтказади. Жон соҳибасига топширилгач тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми? Навбатдаги байт шу ҳақида:

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлгали  
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Нафас чиқмагандан кейин ўладиган кишиларга ўхшаб қолиш табиий, албатта. Аммо ошиқ ҳали тирик – ҳар қалай нафас олиб турибди. Қарангки, шу нафас ҳам унга халақит берәётир. Чунки, ошиқ нафаси кемани илгари силжитиши мумкин. Демак, нафас чиқмаслиги, яъни нафасни ичга ютиш жоиз – токи кема ўрнида собит турсин.

Ақл ва фикр соҳиби ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса ёки ҳолатдан тегишли хулоса чиқаради. Ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқ бўлишни олайлик. Бу – ошиқлар учун шараф. Зеро, ҳамма ҳам бундай ишга журъат этолмайди. Ҳаётда бошқа “дарё”лар ҳам кўп. Масалан, савдо-сотиқ дарёси. Унда кимлар суzmагану, кимлар чўkmаган? Фазал қаҳрамонининг фикрига кўра, ўтар дунё манфаати ва фойдасини ўйлаб зинҳор-базинҳор “савдо баҳриға” кирмаслик лозим. Чунки кумуш тангаларни йигиш, умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди.

Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,  
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Шеър ёзиш – азобдан қутулиш демак. Қалбидаги фам-гусса ва изтиробни шоир асосан шеър воситасида баратарф этади. Навоий фазалнинг тили ва мажозий табиатига мувофиқ равища “фам заврақи” – фам кемасига дикқатни қаратади:

Ғарқ этар баҳри фано фам заврақин, эй пири дайр,  
Илгига чунким Навоий бода киштийсин олур.

“Баҳри фано” – фано дарёси, “ғам заврақи” – ғам кемаси, “пири дайр” – бутхона пири, “бода киштиси” – қайиқ шаклидаги қадаҳ – бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши шубҳасиз. Лекин фано ҳақиқати түғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди.

Абу Наср Сарроғнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан ҳалос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш – руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз галаба. Мана шу галабага эришилтгач, дард, аlam, ҳасрат аталмиш ҳиссиятлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини гарқ этар”, дейилиши худди шу ўзғарнишга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадаҳни кўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди.

И.Ҳаққулов

## **Ўқитувчиларимизга эслатмалар**

Ҳар қандай бадиий асар таҳлилида бўлгани каби газаллар таҳлилида ҳам шакл ва маъно мутаносиблиги, шоирона топилдиқ ва қашфиётлар, уларнинг поэтик ифодасига алоҳида эътибор лозим бўлади. Агар гап мумтоз асарлар устида боралиган бўлса, буларнинг ёнига мазкур асарларнинг луғат таркиби, сўзларнинг маъно товланишларидаги фавқулоддалик, ўрни-ўрни билан эса уларнинг рамзийлиги ҳам эътиборда бўлиши керак.

Н.М.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Р.Қаюмов, И.Хаққулов, Н.Жумахўжа, Ё.Исҳоқов сингари олимлар, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Матназар Абдуҳаким сингири ижодкорлар томонидан амалга оширилган шарҳлар талаба ва ўқитувчиларимизнинг бадиий дидларини ортишида муҳим омил бўлади.

Газаллар таҳлилида ўзирий вазн ҳам эътибордан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Зоро, газалдаги мусиқийлик, равонлик мана шу вазн туфайли рўёбга чиқади. Мутахассислар газал таҳлилида бу масалага ҳам алоҳида эътибор беришган.

Газал таҳлили уни ифодали ўқишдан бошлангани маъқул. Бу газал анча осойишта, босиқ оҳангни талаб этади. Айни пайтда унда айрим сўзлар борки, уларнинг маъносини тушуниш ўкувчилар учун қийнлик қиласи. Шунинг учун ҳам бу сўзларни луғат воситасида очиқлаш керак бўлади.

Айрим сўзларнинг бугунги адабий тилимиздан фарқ киладиган даражадаги талафузига эътибор қаратиш ўринлиdir. Шунингдек, байтларнинг гап қурилишидаги ўзига хосликнинг ҳам эътибордан четда қолмагани маъқул бўлади.

Шу тарздаги таҳлил давомида мисраларда учрайдиган

тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маънолари, албатта, очиб борилиши керак. Бунинг шакл ва усуллари ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин. Юқоридагидек, ифодали ўқишида, матн устида ишланганида, матнни ўқишдан олдин, матн сўнгида лугатларни илова қилиш жоиз бўлади. Айни пайтда уни бутун матн билан бирга, матндаги тегишли сўзга изоҳ бериш тарзида ҳам келтириш мумкин.

Фазал таҳлилида унинг бадииятига алоҳида эътибор қаратиш – ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларини оширишнинг энг қулай усулидир.

Ўқувчиларга газал ва руబойиларни, қитъя ва фардларни – умуман, мумтоз асарларни тавсия қилишда айрим асарларнинг яратилиш тарихини эста олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Фазал поэтикасига алоқадор бўлган жиҳатлар биринчи галда таҳлилга тортилиши шарт. Айни пайтда газалнинг яратилиши билан боғлиқ бўлган айрим тарихий лавҳалар, хотиралар ҳам эсга олинса ёмон бўлмайди. Албатта, бундай маълумотлар ўқувчиларнинг ғазалнинг ўзига ҳам, унинг муаллифига ҳам бўлган қизиқишиларини янада орттиради.

Фазални таҳлил қилишда унинг тузилишига, вазнига, тасвир воситаларига алоҳида эътибор бериш жоиз. Шу билан биргаликда, мумтоз ғазаллар устида гап борадиган бўлса, уларнинг насрий баёнларидан ҳам фойдаланиш заруратини таъкидлаш керак.

Ғазалларнинг насрий баёнини тузиш ва шу орқали уларни ўрганишга оид асосий хуносаларни шундай шакллантириш мумкин:

1. Ғазалларга насрий баён тузиш ниҳоятда долзарб ва муҳим ишдир. Имкони борича ҳар битта ғазал насрий баён билан таъминланиши, агар бунинг имкони бўлмаса, ўқитувчининг ўзи уни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Фазалларнинг насрий баёнини тузишга ўқувчиларнинг ўзлари сафарбар этилиши шарт. Албатта, бунинг учун анчагина давомли ва жиддий тайёргарлик босқичи бўлиши зарур.

3. Ўқувчилар учун фазалларнинг насрий баёни билан танишиш умумий ўрта таълим мактабаларидан бошланиши, академик лицейлар ва касб-ҳунар колледжларидаги адабиёт дарсларида, синфдан ташқари машгулотларда, айниқса, тўгарак ишларида мунтазам равишда олиб борилиши ўринли бўлади.

4. Олий таълим тизимида, хусусан, филологик йўналишдаги бакалавриат босқичида, албатта, «фазалларни ўрганамиз» рукни оститда маҳсус курс ва маҳсус семинарларни ташкил этиш жоиз. Бу бўлажак тил ва адабиёт ўқитиувчиларини фазалларнинг насрий баёнини тузишга оид кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда жуда муҳим омил бўлади.

5. Фазалнинг насрий баёни фазалнинг ўрнини босадиган педагогик ашё эмас. Бунга ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди. Фазалнинг насрий баёни фазалнинг асл матни билан ёнма-ён берилганидагина самарали бўлади, холос. Аксинча ҳолатларда насрий баён фойданинг ўрнига зарар келтиради. У фазалдаги сеҳрсиноатни, гўзал мусиқийлик ва такрорланмас ритмни, вазн ва қофиялар туфайли юзага келаётган оҳангдорликни сезмасликка, сўзларнинг поэтик жарангдорлиги ва тароватини ҳис этмасликка, демакки, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларининг заифлашувига олиб келиши мумкин.

Фазаллар таҳлилида қиёслаш усулидан фойдаланиш ҳам ўқувчи ва талабаларнинг мустақил, ижодий фикрлаш имконларини кенгайтиради. Ҳар бир поэтик асарнинг шарҳ ва изоҳларини ниҳотда ранг-баранг ва хилма-хил шаклларда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Б.Тўхлиев

## **Мундарижа**

Кириш ўрнида.....	3
Ашрақат мин акси шамсил-кәйси анворул-худо.....	4
Зихи хуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо.....	10
Эй сафхайи рухсоринг азал хаттидин инишо.....	14
Ҳар тадоким, бўрсийи факр эрур кисват анга.....	18
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга.....	21
Менмудурменким сенинг васлинг муйассардур манга.....	26
Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санга.....	29
Заврақ ичра ул қуёш сайд айламас Жайхун аро.....	32
Кўнглум ўртансун агар тайринги парво айласа.....	35
Даҳр элидин нафъ агар йўқтур, зарар ҳам бўлмаса.....	38
На хуш бўлгай иковлон маст бўлсақ васл богинда.....	41
Тийра кулбамга кириб, жоно. ўлумдин бер нажот.....	45
Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт.....	48
Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач.....	51
Нега кўргузли совут оху сариг рухсор субҳ.....	54
Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ.....	62
Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийрухсор шўх.....	70
Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур.....	73
Ҳар қачонким кемага ул ой сафар раҳтин солур.....	80
Ўқитувчиликимизга эслатмалар.....	84

# **НАВОЙ ЎАЗАЛЛАРИ**

## **(Насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)**

Muharrir	B. Botirov
Texnik muharrir	U. Rahimov
Dizayner	B. To‘xliyev
Sahifalovchi	B. Raxmatov

Nashriyot litsenziyasi: AI № 234, 11.02.2013.

Bosishga ruxsat etildi: 27.11.2013.

Ofset qog’ozi. Qog’oz bichimi: 60x84 1/8

TimesUz garniturasи. Ofset bosma.

Hisob nashriyoti t.: 3,6. Shartli b.t.: 5,5

Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 3

“BAYOZ” nashriyotida nashrga tayyorlandi

bayoz2010@yandex.ru

(8371) 255-34-80

“BAYOZ” MCHJ matbaa korxonasida chop etildi.  
100100, Toshkent, Yusuf Xos Hojib ko‘chasi, 103-uy.